

# Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi\_bot

3

## BIRLASHGAN O'ZAR, BIRLASHMAGAN TO'ZAR(MI)?!

“

Айнан пандемия шароитида давлат ишонган ташкилотларда асл вазият қандайлиги, фуқаролар талабини қондира олаётгани ёки йўқми, деган бир қатор саволларга жавоб топамиз. Биргина мисол. Шундай синовли кунларда давлат бюджетини, Санитария-эпидемиологик осойишталик марказларида маблағларни талон-тарож қилаётган кимсаларни қандай тушуниш мумкин?!

”



### Vatanni sevish aslida qanday bo'ladi?

Яқинда бир журналистнинг "Ватанни немисча севиш", деган мақоласини ўқиб анчадан бери ўйлантириб келаётган мавзуга қўл урдим. Мақолада келтирилишича, немислар ватанини мақтаб эмас, асраб севар экан. Ажойиб-а?! Биз эса юртимизни баъзида мақтаб, баъзида фахрланиб, баъзида эса индамай севамиз. Аслида ватанни қандай севиш керак? Келинг, шу ҳақда бироз фикримни билдириб ўтсам. ●4

### Bolajon karantin qanday o'tmoqda?

Онлайн дарслар ҳам тугаб, таътилга чиққан болажонларни, ота-оналар бўш вақтини мазмунли ўтишини ўйлайди. Кейинги ўқув йили учун болалар ўзида куч йиғиши, янги билимларни эгаллаши учун яхши дам олиши, вақтини чоғ ўтказиши жуда муҳим. Ҳар йили бундай пайтда дам олиш масканлари болаларни ўз бағрига чорларди. Бу йил карантин муносабати билан оромгоҳлар ҳам фаолиятини тўхтатди. ●6


### Maza matrasiz qo'shiqlar

yoshlar o'rnak  
olishiga arziydimi?

Одатда маъноли, савияли шеърлар қушиқ қилинмасмиди? Еки ҳозир замон узгарган деб, санъатдаги баъзи ҳаваскорларни деб мантӣқ бемаънилик билан ўз жойини алмаштирганми? Оддий ўқувчи, қишлоқ боласи сифатида "ғиди-биди", "оббу", "эз-маланма, эрқаланма", "инжиқ" сўзларини, "лаблари қупупнай" ўхшатмасини эшитиб, ҳам қулдим ҳам афсусландим. ●9

### UYAT aqlimiz va qalbimizdan o'chmasin

Илгари қиз бола балоғат ёшига етганда онаси аввало, чимилдиқ сотиб оларди. Чимилдиқ аслида қиз боланинг ибодати ҳаёси. Ҳозир эса она ҳам, ота ҳам фақат мебел сотиб олиш орзусида. Миллий қадриятларнинг унутилиши ёшлар тарбиясини бой берилишига сабаб бўлмоқда. ●5



# VAZIR XONADONLARGA KIRIB, AHOLI BILAN MUHOQOT QILDI

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Мамамов Бекобод туманидаги “Деҳқонобод” маҳалласида бўлди.

“Деҳқонобод” маҳалласи Тожикистон Республикаси билан чегарадош бўлиб, туман марказидан 65-70 км узоқликда жойлашган.

Маҳаллада 2460 нафар аҳоли, 431 та хонадон ва 679 та оила истиқомат қилади. Шундан эҳтиёжманд оилалар 15 та, боқувчисини йўқотган оилалар 11 тани ташкил этади.

Маҳалладаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди. Айниқса, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, янги иш ўринлари яратишда ташаббус кўрсатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, муқаддам судланганлар билан ишлаш, узоқ муддатга чиқиб кетганларнинг оила аъзоларини яшаш шароити, ҳуқуқбузарлик содир этган фуқаролар билан олиб бориладиган профилактик чора-тадбирлар, шунингдек, маҳалла тизимини аҳолига энг яқин, унинг муаммоларига ечим топиб берувчи бирламчи тузилмага айлантириш бўйича тизим ходимлари олдидagi муҳим вазифалар таҳлилига алоҳида



эътибор қаратилди.

Маҳаллада алоқа тизими бугун кунда қонирсиз ҳолатда эканлиги ва бу ҳолатни бартараф этиш юзасидан тегишли мутасадди ташкилотлар билан кўриб чиқиб муаммони ҳал этиш чоралари кўрилиши айтилди.

Маҳалла раисининг томорқа, тадбиркорлик ва ободонлаштириш бўйича ўринбосари Адҳам Беғатов ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашганлиги сабабли лавозимидан озод этилди.

Маҳалла раиси Мадаммин Холмирзоев ва раиснинг ҳуқуқ тарғибот масалалари бўйича ўринбосари Суннатилло Ҳошимовга эски тизимдан воз кечиб, янги ғоя ва ташаббус билан фаолият юритишлари уқтирилди.

Маҳаллалардаги кластер ёки фермер хўжаликлари ерларидан 10 гектаргача бўлган такрорий экин учун ер майдони ажратиш, етиштирилган ҳосилдан олинган даромаднинг фуқаролар йиғинларининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб бериш ва ушбу маблағларни кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бериш, маҳалла ободлиги учун сарфлаш ишларини Кенгаш қарори билан қонуний кўриб чиқиш бўйича тақлифлар берилди.

# XOTIN-QIZLAR O'QISHGA KIRISHIDA QO'SHIMCHA IMTIYOZLAR

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарори асосида тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига кўра, Республика олий таълим муассасаларига ажратилган қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида олий маълумот олиш истагида бўлган иктидорли хотин-қизларнинг танловда иштирок этиши учун тавсиянома бериш жараёнлари якунига етди.

Тавсияномалар бериш тартиби мазкур Низом талабларига кўра, қуйидаги мезонлардан бири асосида жойлардаги тегишли Ишчи гуруҳлари томонидан кўриб чиқилди:

**Биринчиси, кам таъминланган оиладан чиққан хотин-қизлар;**

**Иккинчиси, тўлиқсиз оилادا тарбияланаётган, яъни ота ёки онаси вафот этган хотин-қизлар;**

**Учинчиси, 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида яшаётган ёлғиз аёл ёки эркаларнинг қизлари;**

**Тўртинчиси, шахсий уй-жойга эга бўлмаган, ижарада яшаётган оилалар;**

**Бешинчиси, ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш қидирувчи шахс сифатида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида ҳисобда турганлар;**

**Олтинчиси, ногиронлиги бўлган фарзанди бор оилалардан чиққан хотин-қизлар;**

**Еттинчиси, олий маълумотли хотин-қизлар билан қамраб олиш даражаси республиканинг ўртача кўрсаткичларидан икки ёки ундан ортиқ мартабага паст бўлган туманлар, шунингдек, олис ва бориш қийин ҳудудларда яшовчи оилаларнинг қиз фарзандлари.**

Шу ўринда мазкур тавсияномага талабгор хотин-қизлардан зарур ҳужжатлар қабул қилишда ортиқча

ҳужжатлар қабул қилинган тўрисидаги ижтимоий тармоқларда билдирилган баъзи фикрларга муносабат билдириб ўтмоқчиман.

Республика олий таълим муассасаларига ажратилган қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларнинг танловда иштирок этиши учун Низомда белгилаб ўтилганидек, фақатгина қуйидаги ҳужжатлар талаб этилди:

**Биринчиси, юқорида кўрсатиб ўтилган 7 та топифага мансуб эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар – иловаси билан биргаликда;**

**Иккинчиси, маълумотнома-объектлик;**

**Учинчиси, умумий ўрта таълим ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасидан маълумотнома;**

**Тўртинчиси, паспорт ёки тутилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхалари.**

Мазкур бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатлар талаб этилмади.

Жорий йилнинг 10 июлига қадар республикамиздаги мавжуд 203 та туман ва шаҳарлар бўйича 32 минг 98 нафар хотин-қизлар тавсиянома олиш мақсадида туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига мурожаат қилди.

Шундан: Қорақалпоғистон Республикасидан – 2733 нафар;

Андижон вилоятидан – 2661 нафар;

Бухоро вилоятидан – 1543 нафар;

Жиззах вилоятидан – 1975 нафар;

Навоий вилоятидан – 1068 нафар;

Наманган вилоятидан 2567 нафар;

Самарқанд вилоятидан 2515 нафар;

Сурхондарё вилоятидан 3405 нафар;

Сирдарё вилоятидан 1739 нафар;

Фарғона вилоятидан 3880 нафар;

Тошкент вилоятидан 1714 нафар;

Хоразм вилоятидан 1568 нафар;

Қашқадарё вилоятидан 3488 нафар;

Тошкент шаҳридан 1241 нафар хотин-қизлардир.

Мазкур мурожаат қилган хотин-

қизларнинг 22 минг 900 нафарининг ҳужжатлари жойлардаги Ишчи гуруҳлари томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилиниб олинди.

9 минг 197 нафар Хотин-қизлар Ишчи гуруҳ томонидан шу куннинг ўзига озгаки тушунтириш бериб ўтилди.

Ишчи гуруҳ акаллари томонидан 22 минг 900 нафар хотин-қизлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиш давомида 4 минг 272 нафар хотин-қизлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар белгиланган мезонларга тўғри келмаганлиги аниқланди ҳамда мазкур хотин-қизларга Ишчи гуруҳларнинг рад этилиш асослари кўрсатилган хулосалари юборилди.

Тавсиянома олиш мақсадида туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига мурожаат қилган 18 минг 628 нафар хотин-қизларнинг мурожаатлари тўла қаноатлантирилди ҳамда уларга туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари томонидан тегишли тартибда тавсияномалар берилди.

Тавсиянома олган хотин-қизларнинг мамлакатимиз ҳудудлари бўйича аниқ кўрсаткичлари куйидагича:

Қорақалпоғистон Республикасидан – 1370 нафар;

Андижон вилоятидан – 1418 нафар;

Бухоро вилоятидан – 836 нафар;

Жиззах вилоятидан – 924 нафар;

Навоий вилоятидан – 762 нафар;

Наманган вилоятидан 1898 нафар;

Самарқанд вилоятидан 1833 нафар;

Сурхондарё вилоятидан 1681 нафар;

Сирдарё вилоятидан 828 нафар;

Фарғона вилоятидан 1901 нафар;

Тошкент вилоятидан 1142 нафар;

Хоразм вилоятидан 1325 нафар;

Қашқадарё вилоятидан 2027 нафар;

Тошкент шаҳридан 683 нафар.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги “Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари до-

ирасида танловда иштирок этиш учун хотин-қизларга тавсиянома бериш тартиби тўғрисида”ги буйруғига асосан, шу йилнинг 15 июлига қадар тегишли тавсияномалар талабгор хотин-қизларга тақдим этилди.

Шунингдек, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари томонидан тегишли тартибда тавсияномалар берилган 18 минг 628 нафар хотин-қизларнинг ҳудудлар кесими бўйича тасдиқланган якуний рўйхати жорий йилнинг 17 июль кунини ўрнатилган тартибда Давлат тест марказига тақдим этилди.

## ЭСПАТМА!

Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиш вақтида ҳужжатларга қўшимча равишда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари томонидан бериладиган тавсияномани тақдим этиши лозим.

Шу ўринда айтиб ўтишим керакки, Низомда белгилаб қўйилганидек, мазкур тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун кириш имтиҳонлари, яъни тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳонлар олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул қилиш бўйича белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизидан кам бўлмаган балл тўплаган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар баллар кетма-кетлигига қатъий риоя этилган ҳолда, қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида талабалikka тавсия этилади.

Қўшимча қабул кўрсаткичлари доирасида талабалikka қабул қилинмаган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар тўплаган баллари билан абитуриент сифатида рўйхатдан ўтиш даврида танлаган таълим йўналишларида умумий тартибда танловда иштирок этади.

**Гулнора МАЪРУФОВА,**  
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари.

# BIRLASHGAN O'ZAR, BIRLASHMAGAN TO'ZAR(MI)?!

**Ю**ртимизда COVID-19 билан касалланганларнинг кунлик статистикаси 500 дан ошиб, 600 га яқинлашмоқда. Аҳоли ора-лаб томир ёяётган вируснинг илдизига қанчалик болта урмайлик, уни йўқотиш қийин бўлиб қолди. Бутун ер юзи аҳолисини ўлим хавфи билан қўрқитаётган касалликнинг хоҳиятини нега ҳалигача тушуниб етмаймиз?! Бундай дейишимизга бир қанча сабаблар бор.

Эл бошига мушкул иш тушса, халқ бирлашмоғи лозимлигини эшитганмиз. Лекин жудаям беларво ва оддийгина қўл силтаб кетадиган халққа айланб қолдик. Кейинги пайтда ўлимлар сони кўпайиши ҳам бизни огоҳ этолмаётгани ачинарли ҳол. Ҳалиям кўчаларда бемақсад кезина-ётган одамларнинг карантин қоидаларига риоя қилмаётгани ҳайрон қолдиради кишини. Лекин Ўзбекистондаги асосий бандлик линиялари ва ишсизлик қўрсаткичига диққат қаратадиган бўлсак, аксарият аҳолининг бош ўйлови қандай қилиб яшаш ва озиқ-овқат топиш муаммоси бўлиб қолганига гувоҳ бўламиз. Маълум даражада вилоятлар кесимидаги оддий аҳолининг кўпчилиги қисми мавсумий ишлар (устачилик, мардикорлик) билан шуғулланади. Ва айни дам-ларда карантин сабаб оила бюджетига даромад кириши бир мунча чекланиб қолди. Демак, юртимизда деярли 60-70 фоиз аҳолиси кунлик ишчи кучига эга бўлган фуқаролардан ташкил топган. Шунинг учун улар карантини четлаб ўтиб, соғлиқларини, ҳаётини гаровга қўяётганини шу билан асослашмоқда. Аммо оддий кундалик турмушимиздаги санитар-гигиенлик қоидаларни ёзиш, айтиш, тушунтиришнинг ўзи уят. Чунки ҳар бир соғлиқга безътибор бўлмаган хонадон касаллиқни даволагандан кўра, уни олдини олиш афзаллигига риоя қилади. Шахсий маданият ва озодлик меъёрларини бузмайди!

Ваҳима ортса ортмоқдаки, лекин ўзини-ўзи чеклаш, кўчага чиқмаслик, одам гавжум жойларда масофа сақлай олиш каби кичик тавсиялар шунчаки жойида қолиб кетаяпти. Бу нимага олиб келади?! Ички қўрқув ва ўзимизни хавотириш исканжасига солишганимиз, ё бўлмаса касалликни ўзимиз оёқда туриб енгиб, сурункали хасталиклар билан оғриган беморлар учун вирус занжирини улаб беришгани?! Афсуски, коронавирус биргина карантинга олинган фуқаролар орасида эмас, балки аҳоли орасида аниқланаётгани ва уларнинг барчаси учун махсус шифохоналар, шифокорларнинг етишмаслиги АҚШ, Италия, Англия каби давлатлардаги ҳолатни ёдимизга солади. Вазият анча жиддийлигидан бу мамлакатларда беморлар сони мисли



Шундай синовли кунларда давлат бюджетини, Санитария-эпидемиологик осойишталик марказларида маблағларни талон-тарож қилаётган кимсаларни қандай тушуниш мумкин?!

қўрилмаган даражада кўпайдики, одамлар ўз уйларида жон бера бошлади.

Энди масалани иккинчи томонига эътибор қаратайлик. Биздаги вазият касалликнинг иккинчи тўлқини дея баҳоланаётган бўлса, қисман натижа бўлгани билан, баъзи фуқаролар "Тез ёрдам" хизматидан норози. Шунинг учун "табиб" халқимиз ўзини-ўзи даволашга киришган. Ахир "Чўқаётган одам хасга ҳам ёпишади", деганлар тўдиқ, аҳолининг ҳам бундай қилишга тўдиқ асоси бор. Чунки касалликдан азият чекиб, ўйда ўлимни кутиб ўтиролмайдими-ку! Бундай пайтда халқ соғлиқни сақлаш вазирлигидан нажот кутади. Аммо нажотни касал бўлгандан кейин кутиш захархонада кулгумизга сабаб бўлади. Айб икки томонда ҳам йўқ эмас. Сабаби, дорихоналар фаолиятидаги ноинсофлик ҳали ҳамон давом этмоқда. Йўтал, шамоллаш ва оғриқ қолдирадиган дориларнинг нархи икки бараварга қимматлашган. Маълум маънода уларни тартиб ва назоратга олиш энди бошланди.

Яқинда зарурат юзасидан Бозорга бордим. Ўрта ёшли амаки лимонни савдолашадиган экан:

– Ҳаммасини оламан, кўтарага неча пулдан берасиз?

– 70 000 мингдан бир сўм ҳам тушолмайман, қиммат олиб келяпман, ҳеч қаерда йўқ лимон, карантинда тополмай-сиз, олаверинг оғринмай.

Қулоқларимга ишонмадим. Етмиш минг?! Сотувчига яқинлашиб, нархини қайта сўрадим. Етмиш минг.

– Инсофингизни ҳам қўшиб сотибсиз-да, амаки, – дедим жаҳлимни жиловлаб.

– Бозорда ҳамма нарса нархи ошганда, ит азобда қийналиб толиб келган нарсаимизни хоҳлагандек сотолмай-мизми, бизнесни тушунамсангиз нима қиласиз аралашиб. Шу нархга хоҳланг олинг, хоҳланг олманг. Оладиганлар топилади, – дея жеркиб ташлади. Бояги амаки шу нарх бўлса ҳам икки қоп лимонни сотиб олишга аҳд қилди.

– Дўконингиз борми, лимонларни сотасизми, – десам:

– Йўқ, оилавий касалмиз, шамолла-

ганмиз, ичмаган дори-дармон, олмаган уколимиз қолмади. Шифохоналар қабул қилмайди, жой йўқ эмиш. Шунга ўзимизни ўзимиз даволаяпмиз, – деди қайғуга ботиб. Бу нима деган гап?! Бировнинг қори холидан фойдаланиб, "бизнесни тушунадиған"лар миллатдошига қиммат нархда лимон сотса, бири касал бўла туриб, имкон топа олмай, аҳоли оралаб, бозорга чиқиб, икки қоплаб лимон олса?! Биз қачон бундай локдаун, очкўз ва виждонсиз тўдага айланб улгурдик?! Ҳа, ҳар қанақасига инкор қилмайлик, лимон сотувчиси ва харидори каби одамлар орамизда бисёр. Ҳаттоки, ижтимоий тармоқларни кузатганимизда, фойдаланувчилар орасида оиласидаги вазият, сунъий ҳаво баллончасини ясагани-ю ҳаво етишмаётганидан шикоят қилган видеомурожаатларни жойлаётганларни ҳам кўриш мумкин. Табиийки, улар мутасаддилардан изоҳ талаб қилади. (Касалликни юқтириб бўлгандан кейин!)

Ахборот майдони чексиз уммонни эслатади. Ундан фойдалиларини олсак, етарли. Ҳозирги кунда инсон эҳтиёжини қондириш жамиятнинг асосий ишига айланб бормоқда. Инсон омили юксак бир даражага етмоқдаки, креатив гоғлар, ақл бовар қилмас кашфиётлар катта-катта маблағ эвазига сотилмоқда. Дунё олимлари вакцина яратиш умидида. Кўпгина давлатларда яратилди ҳам. Амалиёт ўтказилмоқда. Бизда эса турли-туман давлат ташкилотлари, вазирликлар қайси маънода биз инсонларни талабимизга жавоб бермоқда?! Ёки сўзимиз давомига "Номи улуг, супраси қуруқ..." мақоли мос келармикан? Айнан пандемия шароитида давлат ишонган ташкилотларда асл вазият қандайлиги, фуқаролар талабини қондира олаётганими ёки йўқми, деган бир қатор саволларга жавоб топамиз. Биргина мисол. Шундай синовли кунларда давлат бюджетини, Санитария-эпидемиологик осойишталик марказларида маблағларни талон-тарож қилаётган кимсаларни қандай тушуниш мумкин?! Очқ икки ошкоралик билан холис ҳамда керакли ахборотларни халқимизга камрабаста бўлиб етказётган журналистлар,

коррупцияга қарши кураш марказининг саяё-харакатлари ўлароқ, бундай кирдикорларни амалга оширганлар ҳақида ўз вақтида хабар қилинмоқда. Масалан, биргина Андижон вилоятининг ўзида бир қанча қонунбузарликлар рўй берган. Вилоятдаги Санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг мансабдор шахслари 326, 4 млн сўм бўлган "Гипохлорид кальций 65 фоизли" дезинфекцияловчи воситасини 485, 7 млн сўмга (бозор нархдан 159, 3 млн сўмга қиммат) сотиб олишган. Ёки бўлмаса, вилоятлараро бундай қилмишларнинг фош бўлишини Қашқадарё СЭОМда 917,8 млн, Наманган вилояти СЭОМ да 248,9 млн, Бухоро СЭОМ да 204, 6 млн, Навоий вилояти СЭОМ да 222, 3 млн сўмлик маблағлар талон-тарож бўлгани билан изоҳлаш мумкин.

Давлат сиёсий тизимини коррупция билан булгаётган, халқ жамият орасида юриб, кўра-била туриб, уларни ҳақини еяётганларга ҳеч бир изоҳсиз жазо муқаррар. Нафси ҳақалак отган бундай кишиларнинг ал олдида обрўйи қолмай, нафратга дучор бўлади. Аммо беш қўл баробар эмас. Орамизда савоб ишга бош қўшиб, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган чин етимлар, имконияти чекланган шахслар учун маълум тартибда озиқ-овқат ва зарур муҳсулотлар етказиб бериш, уларни муурожаатларини қабул қилаётган колл-марказларда фаолият олиб бораётган кўнгилли ёшлар бор. Кўнгиллиларнинг аксарияти Тошкент шаҳридаги тиббиёт йўналишига ихтисослаштирилган олий ўқув юрти талабалари бўлиб, уларнинг меҳнати таҳсинга лойиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бутун дунё эшикларни бир-бири учун ёпилган вазиятда, миш-мишларга ўрин бериб, ваҳимага тушмайлик. Бебаҳо зийнатимиз бўлмиш соғлиқимизни ички хотиржамлигимиз билан бирга асрайлик. Ҳақиқат ҳам шунда. Зеро, ўзини асраганини Аллоҳ ҳам асрайди.

**Чўлпоной АҲМЕДОВА,**  
журналист.

## "NIQOVNI HAM MODAGA KIRITISHDI, AYLANAY!"

Вой нимасини айтасиз. Бор бўлишин-да бу мижозлар!

Карантин бошланиб, ҳамма уйда қолгач, кўп қатори мени ҳам хавотир босди. Ахир шу чеварлик ортидан рўзгор юришаман-да. Мижозларим кўпайиб, кўлим жарақ-жарақ пул кўраётган эди. Тўсатдан бу бало чики қолса денг.

Аммо тиниб-тинчиманган одамлар қиёмат қўлса ҳам моданинг кетидан сира қўлишмас экан, айланай. Тўғри, аввалига отинг ўчгур шохдор вирус уларни бир оз саросимага солиб қўйди. Жон аччиғида дунёлар тор келиб, ялтур колтур ҳашамат ҳам



кўзларига кўринмай қолди. Бир мударат мени эслашмади ҳам.

Машойихлар тўғри айтишган экан – чиндан ҳам "урганган кўнгил ўртанса қўймас" деб. Ҳеч қанча ўтмай ми-

жозларим яна аста секин кела бошлашди. Яна ишларим юришгандан юришди. Вой айланай, буюртмаларим илгаригидан ҳам кўпайиб кетган. Қўлим-қўлимга тегмайди. Энди ҳар бир либосга мослаб ниқоб ҳам заказ қилишяпти. Ахир ҳозир ниқоб модага кирди-да. Турлари ҳам саноксиз – аёллар учун, эркаклар учун, ўғил болалар, қиз болалар, ката ёшлилар, ўрта ёшлилар, кексаларга мўлжалланганлари. Улар ҳам ҳар хил турларга бўлинади – ишга тақиладиган, мажлисда, кўчада, тўй-маросимларда тақиладиган. Ҳатто

келин-куёвларнинг селига ҳам ниқоб қилишяпти.

Саксон йил яшаб бунақасини кўрмаган қайнонам нукул бошини тебратиб, ёқасини ушлайди: "Зап кунларга қолдиг-а, шу тумшук банди ҳам безак қилишибди-я булар". "Ҳа, энди ҳар замонда бир замон" дейман унга жавобан. Нимани безак қилишса қилишавермайдимми, бизга иш бўлса бўлгани!

"Кимга аза, кимга тўй" дея мени айблашга сира уринманг, айланай. Ҳамма айб анави "мода"чи одамларнинг ўзида. Улар нимани буюртма қилишса, мен ҳам шуни тикаман-да!

Чевар оланинг сўзларини оққа кўчирувчи

**Ирода ОРИПОВА.**

# VATANNI SEVISH ASLIDA QANDAY BO'LADI?

**Я**қинда бир журналистнинг “Ватанни немисча севиш”, деган мақоласини ўқиб анчадан бери ўйлантириб келаётган мавзуга қўл урдим. Мақолада келтирилишича, немислар ватанини мақтаб эмас, асраб севар экан. Ажойиб-а?! Биз эса юртимизни баъзида мақтаб, баъзида фахрланиб, баъзида эса индамай севаимиз. Аслида ватани қандай севиш керак? Келинг, шу ҳақда бироз фикримни билдириб ўтсам.

Болалигимда ватанни фақат қишлоғимдан иборат деб ўйлардим. Туманда бўлаётган мусобақада мактабимиз шарафини ҳимоя қиладиган илк бор қишлоғимни севиш ҳаяжонини ҳис қилдим ва унинг шарафини ҳимоя қилиш учун бор маҳоратимни ишга солгандим. Улгайиб вилоят марказида таҳсил олаётганимда сервис, мезворли туманимнинг қадрига етдим. Катта шаҳарга келиб оломон орасида урилиб-сурилиб, таниш-нотанишлардан панд еявериш чапани, аммо ишонувчан мард одамлари бор вилоятимга етадигани йўқ, деб ўйладим. Иш юзасидан бутун республикани кўриш шарафига муяссар бўлдим. Барча ҳудуднинг одамларини, турмуш тарзини кузатдим. Ҳамама жойда Ўзбекистон байроғи ҳилпирайдиган, ватанимиз тинч бўлсин, деган дуо барча жойнинг кексалари тилида бир хил айтилар экан. Демакки, шу юрт барчамизники. Уни севиш ва ардоқлашга барчамиз масъулмиз.

Аммо баъзида миллатдошларимизнинг онгида маҳаллийлашиш руҳияти ҳамон сақланиб қолгандек туюлади. Маҳаллийлашиш барча замонда бўлгану бизгача ҳам етиб келгандир. Лекин кейинги йиллардаги “пахтакорлик”ни урчиши мен каби кўпчиликини гашига тегиб турганини кузатаёلمиз. Ҳатто, маддоҳлик номи билан ижтимоий тармоқларда анча

қулгуга қолганлар ҳам бор. Тан олиш керак, сохта мақтовлар ёғдиришни баъзида ошириб юборамиз. Республикани йирик бир тадбирда ёшлардан интервью олмоқчи бўлганимда жигибийрон бўлгандим. Сабаби, ўша тадбирдаги аксарият ёшлар фақат бир хил гапни ёд олиб айтиб беришаётгандек эди. Бундай қолиплашишдан норози бўлганим учун юқори ташкилот вакилларидан танбеҳ эшитиб қолгандим ҳам. Чиндан ҳам шу пайтгача ОАВларда узатилаётган хабарларни яхшимизни ошириб, ёмонимизни яшириб, бироз баландпарвоз гаплар билан бойитиладигани ҳақиқат эди. Президентимиз ёшлар билан қилган учрашувида баландпарвоз гаплар ва сохта ҳисоботларни қаттиқ танқид қилганларини эшитдик ва шундан сўнг бироз эркинликка эга бўлдик. Нима бўлганда ҳам бўлаётган ўзгаришларга ҳайбаракалладан кўра қандайдир амалий ҳиссамиз билан хайрихоҳ бўлсак, шунда юртини севишнинг гўзал исботини топган бўлар эдик назаримда.

Кимдир мақтаниб шеър битаяпти, яна кимдир бағишлов кўшиғини қўйла-



япти, бошқалар ҳали энди бўлаётган ўзгаришлардан ўзини йўқотиб қўйгудек энг гўзал тилакларини билдириб қоляпти, айрим мутасаддира дилар муҳтож фуқарога ёрдам қилиб қўйиб турли кўринишларда ўзини машхур қилиб олмоқда, қайсидир юртдошимиз чет элга бориб ўзбек эканидан афсусланишини уялмай бонг урмоқда. Биз мақтанчоқ халқимизми, деб ўйлаб қоламан, шундай пайтларда. Ҳўш, ватанни севиш учун унга мақтов йўллаш шартмикан, дейман ўзимча. Савол туғилади, нега доим буюк аждодларнинг авлодларимиз, дея кўкрак керамизу, улардек деб ўйлаб қоламан, шундай пайтларда. Ҳўш, ватанни севиш учун унга мақтов йўллаш шартмикан, дейман ўзимча. Савол туғилади, нега доим буюк аждодларнинг авлодларимиз, дея кўкрак керамизу, улардек деб ўйлаб қоламан, шундай пайтларда. Ҳўш, ватанни севиш учун унга мақтов йўллаш шартмикан, дейман ўзимча. Савол туғилади, нега доим буюк аждодларнинг авлодларимиз, дея кўкрак керамизу, улардек деб ўйлаб қоламан, шундай пайтларда. Ҳўш, ватанни севиш учун унга мақтов йўллаш шартмикан, дейман ўзимча. Савол туғилади, нега доим буюк аждодларнинг авлодларимиз, дея кўкрак керамизу, улардек деб ўйлаб қоламан, шундай пайтларда.

ўз миллатдошини чув тушириб кетаётган биз бўляпмиз? Ўзбек бўла туриб кўшнимизни кулликка сотиб юборяпмиз? Бир болага етти маҳалла ота-она деган ақидаларимиз қаёқда қоляпти? Нега биримиз ўз қўлимиз билан тутган пулни, бошқамиз ҳеч бир хижолатсиз чўнтакка соляпмиз, бировнинг ҳақини кўркмасдан еяпмиз? Нима учун боламиз илм олишга иштиёқманд бўлганда унга қаршилиқ кўрсатамиз? Уз боламизга мардикорликни раво кўрамиз? Бўлажак оналар, қизларимизни ўқиши, ҳунар ўрганиши ўрнига сеп йиғиш, турмушга бериш, ўраб-чирмаб ўтириши ҳақида бош қотирамыз? Саводсиз оналарни тарбиялашга ҳисса кўшамизми? Буларнинг барчаси ватанни кераклича севаётганимизга асос бўла олмайди-ми? Саволлар кўп, жавоблар эса маъхум. Сиз ҳам бу борада бир ўйлаб кўринг! Ватанни севиш аслида қандай бўлади?

Соҳиба СУЮНОВА.

# ЎБРАТЛИ УМР НІКМАТИ

**Я**хши одамларнинг инсоний фазилатлари ҳақида сўз очиш одамга завқ бағишлайди. Агар улар сенинг энг яқин қадрдонларингдан бўлса дилинг яйрайди. Ҳар гал устозларим ҳақида бирор сўз айтишса, ёзишга чоғланаман-у аммо оқ қоғозга кўнглимдагини ҳа деганда, тушира олмайман. Негаки, яқиндан билган одамнинг ҳақида шунчаки қоғоз қоралаб бўлмайди. Боз устига у устозинг бўлса, масъулият ҳисси яна икки баробар ортади.



Қалбим тўридан жой олган ана шундай дилкаш, самимий устозларимдан бири Шермирза ака Мирзаев эди. Бутун умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган камтар ва олижаноб инсон ўқитувчилик касби тўфайли ҳаётни англаб етди. Шу касбда дўстлар орттирди, кўплаб шогирдлар тарбия қилди. Аҳмаджон Усмонов, Камолиддин Қосимов, Эргашбой Алихонов, Каримахон Сайдуллаева, Маҳсуздахон Сатторова, Рислиғой Мамажонова, Фозилжон Эрматов, Абдуллажон Турсун, Аҳмаджон Отахоновлар Шермирза акани ўзларига қадрдон дўст, жонкуяр устоз деб биладилар.

Ҳа, устоз ақинларига, ҳамкасбларига, шогирдларига яхшилик қилиш ҳисси билан яшаб ўтди. Ўзгалар ютуғидан

қувониб, уларга ҳамиша эзгуликларни соғиниб яшади. Мансаб, амал, мартабани кетидан қувмади. Ҳар қандай вазиятда ҳам рост ва ҳақ гапни айтиб, ҳалол яшади ва бундан ҳеч қачон афсусланмади.

Қаҳрамонимиз 1941 йилда Учқўрғон туманидаги Қайки қишлоғида Мирзааҳмад ота, Сорабу ая хонадонда таваллуд топди. Унинг ёшлиги барча тенгдошлари каби уруш йилларига тўғри келди. Ҳаёт кечиршининг ўзи бўлмасди. Оиладаги беш фарзанднинг тўртинчиси бўлган Шермирза ака қийинчиликларга ҳарамай, илм-фанга қизиқди. Ўрта мактабни тамомлаб Фарғона давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Олий ўқув юртини физи-

ка-математика факультетини битирди. Бу орада ҳарбий хизматни ҳам ўтади.

Меҳнат фаолиятини тумандаги 8-умумий ўрта таълим мактабида бошлади. Қисқа вақт ичида билимдонлиги, ташкилотчилиги билан ўзини кўрсатди. Ўша пайтда туман халқ таълими бўлими мудири Нозимжон Тожиаҳмедов йигирма олти ёшли ёш йигитни 75-саққи йиллик мактабга (ҳозирги 45-мактаб) директор қилиб тайинлади.

Ёш раҳбар жамоа билан тил топиша олди. Таълим-тарбия сифатини яхшилаш, мактабнинг ўқув-моддий техника базасини муостаҳкамлаш борасида тинмай ишланди. Мактаб жамоаси ўша йилларда ўқувчиларга пухта билим бериш, турли кўрик-танловлар, фан олимпиадаларида яхшигина натижаларга эришди.

Шермирза раҳбарлик қилган даврда 640 ўринли 2 қаватли ўқув биноси, намунавий меҳнат ўқув хоналари, спорт зали қурилиб ишга туширилди, – дея хотирлайди меҳнат фахрийси Аҳмаджон ҳожи ота Усмонов. – Ўшанда биз бирга ишлаганимиз. Бино қурилиши бўйича камида 5-6 марта Тошкентга бориб келган, катта-кичик раҳбарлар билан учрашган. Жамоада ишловчиларга бир пайтнинг ўзида ҳам талабчан, ҳам меҳрибон эди.

Шермирза ака нафақат таълим-тарбия соҳасида, балки деҳқончилик, боғдорчилик соҳасида ҳам барака топган инсон эди. Аввало, деҳқон фарзанди, қолаверса, ўз даврининг машхур боғбони бўлган Нурмуҳаммад ақасининг маслаҳатлари билан арча, мевали кўчатлар етиштирди. Тут кўчатлари тай-

ёрлаб пиллачилиқни ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

Устоз Муқаддасхон опамиз билан бирга эллик икки йил умргузаронлик қилиб, уч ўғил, икки қизни тарбиялаб уйли-жойли қилдилар. Бугун улар турли соҳаларда меҳнат қилишяпти. Қизлари Умида, Муҳайёлар оталари изидан бориб ёш авлодга таълим-тарбия беришмоқда.

Муборак ҳадисларда “Отангиз вафотидан сўнг, унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг...” дейилади. Оиланинг тўнгич фарзанди Тоҳиржон Тошкентдан қишлоққа келди дегунча отасининг дўстларини, ҳамкасбларини йўқлаб улардан кўнгли сўраб туради. Тоҳиржон Прага университетини тамомлаган. Ҳозирда пойтахтда нуфузли идораларнинг бирида ишлайди.

Домла билан бирга яшаб бирор марта бўлсин сану манга бормаганимиз. Умрларини охиригача мени сизлаб ўтдилар. Болаларга талабчан эдилар, аммо уриб сўкмасдилар. Набиралардан ҳеч нарса ни аямасдилар, – деб эслайди Муқаддасхон опа.

Тақдир деганлари шафқатсиз ва беаёв, умр эса ҳисоби экан. Шермирза ҳожи ака 76 ёшда оламдан ўтди. У киши мазмуни умр кечирди. Устоздан яхши ном, эзгу ва савобли ишлар, умр дафтаридега ибратли битиклар қолди. У киши ўзининг иккинчи умрини давом эттираяпти. 5 нафар фарзанд, 15 нафар набира, 6 нафар чевараларнинг хотирасида болларининг сиймоси йиллар оша қад ростлавиради.

**АДАШЛАЙ БЕКМИРЗАЕВ.**

[oilavajamiyat@mail.ru](mailto:oilavajamiyat@mail.ru)

# UYAT AQLIMIZ VA QALBIMIZDAN O'CHMASIN

**О**лий Мажлис Сенати кенгашининг 15 июл кунги навбатдаги мажлисида 13-14 ёшли қизлар орасида эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатларининг кўпайиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ҳақда ижтимоий тармоқларда расмий хабарлар тарқалди.

Қайд этилишича, эрта ҳомиладорлик ва туғуруқ ҳолатлари кузатишган ўқувчи қизларнинг қарийб ярми ота ёки онасиз оилаларда яшаётганлиги аниқланган. Сенат хабарида оиладаги етишмовчилик, ота-оналарнинг ишсизлиги ёки кам даромад топиши ҳам қизлар тарбиясига албий таъсир қилаётгани таъкидланган.

Айниқса, бу ҳолатни кейинги пайтда мамлакатимизда эр-хотинлар ўртасида ажримнинг кўпайиши билан ҳам боғлаш мумкин. Ота-она ўртасидаги келишмовчиликдан энг кўп азият чекадиган албатта фарзандлар ҳисобланади. Ота-она мустақил инсонлар, ажрашганидан сўнг яна янги ҳаёт куриш учун кураш бошлайди. Аммо ҳали ҳаётнинг аччиқ чучугини тотмаган ўғил ёки қиз тирик етимлик изтиробини кўтара олмайди. Тоғаси, аммаси, холаю бувиларининг кўлида сансалор ҳаёт кечиришга мажбур бўлади. Ана шундай пайтларда эндигина бўй чўзиб, ниҳолдек кўкка қараб ўсишга талпинаётган ўсмир қизнинг ҳаётига кимдир қилиб келадиган унинг қалбини маҳв этади.

## “ҚИЗ МЕНИКИ, ЎЗИМ ТАРБИЯЛАБ ОЛАМАН!”...

Гулмира исмли аёлни қизининг тақдир фикримизга мисол бўла олади.

Гулмира турмушдан ажралгач, қизи билан укасиникида яшашга мажбур бўлди. Келин билан жанжаллашавергач алоҳида ижара уйга кўчиб чиқишга қарор қилди. Кўп қаватли уйда ҳеч кимни ҳеч ким билан иши йўқ, ҳамма ўзига хон, кўланкаси майдон яшарди. Бу Гулмирга жуда кўл келди. Маишатга берилди, уйига уни сўраб ҳар хил эркаклар келиб-кетадиган бўлди. У уйда гулдек қизи борлигини ҳам унутди. Қариндошлари ҳам уни ўз ҳолига ташлаб қўйишди. Маҳалладаги бир-иккита аёллар кейинги пайтларда қизи Назокатнинг қадам олишлари ўзгариб қолганидан уни оғохлантиришганида “Сизларга нима, қиз меники, ўзим тарбиялаб оламан!”, деб иддао қилди. Ҳали 15 ёшга ҳам тўлмаган қизини уйига келиб-кетатган эркаклардан қизгонмади. Қизининг ҳомиладорлигини эшитгач эса ҳомиладан кутулиш йўллариини излаб зир югурди. Ўз қизи олдида беғона эркаклар билан маишат қилишга уялмаган аёлнинг бирданнига виждони ўйғониб қолди. Нима қилиб бўлса ҳам боладан кутулиш керак! Таниш гинеколог толиб, ҳомиладан кутулди. Аммо кундан кунга қизининг ранги сўниб, аҳоли оғирлашиб бораверди. Охир-оқибат Гулмира гулдек қизидан ажралиб қолди.

## ЎҚУВСИЗ КЕЛИН КЎЧАГА ҲАЙДАЛДИ

Шарофат эрининг норозиликка

**Илгари қиз бола балоғат ёшига етганда онаси аввало, чимилдиқ сотиб оларди. Чимилдиқ аслида қиз боланинг ибори ҳаёси. Ҳозир эса она ҳам, ота ҳам фақат мебел сотиб олиш орзусида. Миллий қадриятларнинг унутилиши ёшлар тарбиясини бой берилишига сабаб бўлмоқда.**

қарамай, икки қизини онасига ташлаб, хорижга ишлаш учун кетди.

Балоғат ёшига етиб қолган қизлар бувининг сўзларига қулоқ осмас, ўз билганларича ҳаёт кечиришарди. Қиммат ва замонавий либосларни кийиб кўчага чиққан қизлар йигитларнинг ақлини шошириб қўйди. Уларнинг атрофида хиралашадек “ошиқ” йигитлар кўпайди. Қизлар эса бундан ҳавойиланар, босар-тусарларини билмай қолишди. Охир-оқибат кенжатоқ қиз бўйи етган йигитнинг тузоғига илинди. У ҳатто ҳомиладор бўлиб қолганини ҳам тушунмай қолди. Сир очилгач, буви қизига кўнғироқ қилиб, уйга қайтишини талаб қилди. Она бир амаллаб қайтди. Йигитнинг ота-онаси бундай беҳаё қизни келин қилмасликларини айтишди. Маҳалла-кўй аралашиб, қизни жувонмарг қилмасликка, келин қилишга кўндиришди. Нозима 16 ёшга етганда она бўлди. Аммо унинг ҳомиласи ногирон эди. У гўдакни қандай кўтариш, парвариш-лаш уёқда турсин, ҳатто қоринини ҳам тўйғазишни билмасди. Қайнона укувсиз келинни ногирон боласи билан кўчага ҳайдади...

## ТИББИЁТ НИМА ДЕЙДИ?

Тиббиётда 13-14 ёшда қиз болаларда жинсий органларнинг ривожланиши жадаллашиши таъкидланади. Бу даврда қиз болада ўзга жинс вақилига қизиқиш, мойиллик кучли бўлади. Худди шу пайтда қизнинг ёнида онаси бўлмаса ҳам холаси, аммаси бирор яқини бўлса унинг ҳолатидаги ўзгаришларни тўғри баҳолаб, унга

тушунтириб беради. Кўпинча қиз боланинг ёлғизлиниб қолиши, онаси билан суҳбатлашмаслиги унинг нотўғри жинсий тарбияга қадам қўйишига, чимилдиқ кўрмай ҳаёти барбод бўлишига сабаб бўлади. Илгари қиз

бола балоғат ёшига етганда онаси аввало, чимилдиқ сотиб оларди. Чимилдиқ аслида қиз боланинг ибори ҳаёси. Ҳозир эса она ҳам, ота ҳам фақат мебел сотиб олиш орзусида. Миллий қадриятларнинг унутилиши ёшлар тарбиясини бой берилишига сабаб бўлмоқда.

## МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

Сўнгги йилларда 18 ёшга тўлмаган қизлар орасида эрта туғуруқ ҳолатлари ҳам камайиб, 2018 йилда бундай салбий ҳолатлар 1,5 мингдан зиёд бўлган, 2019 йилда эса бу кўрсаткич 1,2 минггача ташкил этган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 231 та эрта туғуруқ ҳолатлари қайд этилган.

Эрта ва исталмаган туғуруқ ҳолатлари, ёшларнинг оилавий муносабатларга тайёр эмаслиги, оиладаги ижтимоий-маънавий беқарорлик каби сабаблар қақалоқлар савдоси жиноятини ҳам келтириб чиқармоқда.

Сенат кенгаши қарори билан эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажралишлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

## ИЛГАРИ...

Бололигимизда яъни 6-7 ёш пайтимиз буви ва оналаримиз қизлари ва киз невараларига: “Калта қўйлақ кийма, этагингни ёпиб ўтир”, деб ўргатишган бўлса 13-14 ёшга етган қизларга, “Ўғил болалар билан қўл бериб кўришма, аканг етган хонага кирма”, деб уқтиришган. Қўл бериб кўришиш уёқда турсин ҳаттоки, нигоҳларини ҳам қизгонмишган. Бувиларимиз қизларни ўғил болалардан қандай ҳимоя қилишни мана шундай тарбия усуллари орқали ўргатишган. Аслида турли тарбиявий сўзларни тинглаш ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

## ҲОЗИРЧИ?

Олдинлари айрим одамлар, “шаҳарлик қизларда ибори-ҳаёи йўқ, уят нималигини билмайди”, деб таъна қилишарди. Ҳозир уят чегара танламай қолди. Беҳаёлик қишлоқларда ҳам одат тусига кирди.

Бир сўз билан айтганда, инсонда ақлни ҳам бошқара оладиган бир куч бор. Бу уят ҳисси. Фарзандларимизга аввало, атрофдагилардан эмас, ўзидан уялишни ўргатишимиз керак. Атрофдагилардан уялган инсонда кўрқув ҳисси ҳукмрон бўлади. Бу эса хато қилишга ундайди. Ўзидан уялган инсон эса ҳар бир босган қадамни сарҳисоб қилади. Бу ҳис унга хатолар қилишдан тийилишига ёрдам беради. Зеро, уят сўзи ақлимиз ва қалбимиздан ўчмасин.

Нигора РАҲМОНОВА.

# BOLAJON KARANTIN QANDAY O'TMOQDA?



Онлайн дарслар ҳам тугаб, таътилга чиққан болажонларни, ота-оналар бўш вақтини мазмунли ўтишини ўйлайди. Кейинги ўқув йили учун болалар ўзида куч йиғиши, янги билимларни эгаллаши учун яхши дам олиши, вақтини чоғ ўтказиши куча муҳим. Ҳар йили бундай пайтда дам олиш масканлари болаларни ўз бағрига чорларди. Бу йил карантин муносабати билан оромгоҳлар ҳам фаолиятини тўхтатди. Яна бир қанча чекловлар ўрнатилишига қарамай, ёзги таътилда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилаётган болажонлар билан суҳбатлашдик.

— **Усмонхон Муродов**. Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги 5-мактабнинг 4-синф ўқувчиси. Эсини танибдики, ҳарбийлар кийинишига ҳавас қилади, улардек интизомли, қатъиятли бўлиши орзу қилади. Шу аснода улгаётган Усмонхон келажақда ҳарбий бўлишга бел боғлаган.

Синовли карантин кунларда унда зеркиш йўқ. Ҳозирга қадар спортнинг дзюдо ва бокс тури билан шуғулланиб келган болакай айни дамда "Ҳайда қолинг!" шioriга амал қилиб, уй ертўласида дадаси тайёрлаб берган спорт жиҳозларида шуғулланади.

— Чинакам ҳарбий бўлиш учун мактабда аъло баҳоларга ўқиши, спорт билан шуғулланиши керак. Чунки бўлажак ҳарбийлар соғлом, куч-қувватга тўлиб ўсишларида спортнинг ўрни катта — дейди у.


Бу йилги таътилдан кутганларим кўп эди, — дейди Бухоро вилоятидаги 35-мактабнинг 6-синф ўқувчиси **Гулсал Орибова**. Айниқса, бувижонимникига бориб тўқишни, тикишни ўрганмоқчи эдим. Кўп вақтимни улар билан ўтказсам дегандим, афсус бора олмаяпман. Чунки ҳар кун телевидордан ёши улуглар ёнига боришдан тийилинг, деб эслатишяпти. Улар учун вирус ташувчига айланиб, соғлиқларини таҳликага солишдан



қўрқаяпман. Шунинг учун телефонда боғланиб, соғлиқларидан хабардор бўлиб турибман. Бироқ бувижонимни жуда ҳам соғиндим. Синглим Севинчон бу йил 1-синфга чиқади. Ҳозирда унга алифбоддаги ҳарфларни, ўқишни ва ёзишни ўргатаяпман. Уй ишларида онажонимнинг яқин ёрдамчисига айланганим рост. Карантин мени па-

зандаликка ўргатди. Балки ишонмассиз, айни кунларда мустақил таомлар тайёрлаб, оиламиздагиларни хурсанд қилаяпман. Инглиз ва рус тиллари, ментал арифметикадан курсларим бор эди, тўхтаб қолгани ёмон бўлди. Балким уй ишларини ўрганишим учун карантин ҳам фойдалидир. Тенгдош дўстларимга ҳам вақтингиздан унумли фойдаланинг, балки бу ҳам бир имкониятдир деган бўлардим.

**Одилбек Рўзиев**. Олмалик шаҳридаги 3-мактабнинг 5-синф ўқувчиси. Оилада бувасининг ўнг қўли. У уйда бир кун бўлмаса, ўрни билинади. Чунки саҳардан говмишни пода-



га қўшиш, олиб келиш, парваришлар унинг вазифаси. Уй жониворларига меҳри бўлакча бу йигит синглиси Шодияхон билан Мошвой(мушук)га ҳар кун сут, нон бериб, алоҳида парваришлар, уйча ясаб беришган.

Одилбек футбол билан алоҳида шуғулланиб келмоқда. Жамоада у ҳужумчи вазифасини бажаради. Чапакай бўлганлиги учун тўпни ҳар икки оёғида бир хил зарб билан мўлжалли тўғри олиб, тепишни қойиллатади. Мактабда ҳам фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириб келмоқда. Келажақда IP технологияларини ўзлаштириб, шу соҳа эгаси бўлишни мақсад қилган. Техника унинг жону дили. Ал-Хоразмий мактабда таълим олишни орзу қилаётган қаҳрамонимиз астойдил тайёргарлик кўриши бошлаган.

**Нигора Исмоилова**, Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 6-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.

— Таътил вақтини синглим Эъзога билан Самарқандда бобомларникида ўтказаяпмиз — дейди у. Бу ерда уй ишларига қарашиб, гуллар парвариш

қилишни, онажонимдан тикиш—бичишни ўрганапман. Бобом эса шахмат ўйнашни ўргатяпти.

Дарсларни ҳам такрорлаб, инглиз тили ўқитувчим билан ҳафтада 3 маротаба онлайн машғулотлар ўтказаяпмиз. "Online-to'garak" видеодарсларини ҳам қолдирмасдан кузатиб боряпман. Ҳар йили дадам бизни ёз ойлари сузиш тўғрарига олиб борардилар. Афсус карантин туйфайли бу машғулотиимиз қолиб кетди. Бўш вақтимда синглим ва жиянларим билан қоғоз ва картонлардан турли ўйинчоқлар тайёрляпмиз, кўгирчоқларга кийимчалар тиякяпмиз.

**Камронбек Юнусов**, Миробод туманидаги, 125-мактабнинг 5-синф ўқувчиси. Оиланинг бош фарзанди сифатида ўзида катта масъулият ҳис этган бу қаҳрамонимиз оила аъзоларининг оғирини енгил қилгиси келади. У гарчи хотиржамгина кўринса-да, жуда серғайрат, бирор ишга киришса, уни яқунламагунича тинчимайди. Таътилик Китоб туманида ўтказаятган Камронбек бобосининг катта ёрдамчисига айланган. — Бобом география фани ўқитувчиси бўлгани учун улар бу фани чуқур ўрганишимга кўмак берапти, — дейди у. — Китоб тумани тоғли ҳудуд бўлгани боис, тоза ҳаводан мириқиб дам оляпман. Бу янги ўқув йилини бошлашимга куч бўлади. Тош-

нали сонларни ҳам бемалол ҳисоблай олади, кирилл ва лотин алифбосидаги ҳарфларни ажрата олади ва ўқийди.

**Мусамира Бахтиёрва** Тошкент шаҳар 175-мактабнинг 3-синфни тугатган бу кизалоқ кичкиналигидан шаддо, ҳамма билан тез мулоқотга киришиб кетади. — Ашула эшитишга кизикаман, — дейди Мусамира. — Олдин ментал арифметика, шахмат ва инглиз тили тўғраракларига мунтазам қатнашиб келардим. Ҳозир таътилдни дала ҳовлида ўтказаяпман. Бу ерни табиати жуда яхши. Онлайн тарзда инглиз тили машғулотларини ҳам ўқияпман.


**Ҳасан Абдумуталов**, Сергели туманидаги 6-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.



Ҳасан кунини қандай ўтказишини олдиндан кунлик, ҳафталик режа тuzиб олади. Кун тартиби ёки ҳафталик режа олдиндан тузилса, боланинг кераксиз нарсаларга чалғишга ва

кентда мусиқа мактабиде ўқирдим. Таътилда ҳам дарсларни ўқитувчиларимиз онлайн ўтиб туришибди. Уйдагиларга турли чолғу асбобларидан куйлар чалиб берапман.

**Азизбек Файзуллаев** 7 ёш. Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳридаги 15-сонли мактабга таълим муассасасида тарбияланган бу болакай айни вақтда рус тилида бемалол сўзлаша олади. 1-синфга чиқишга тайёр Азизбек китобни бемалол ўқи, ёзишни ҳам ўрганиб олган. Ментал арифметика тўғрарига онлайн қатнашиб, 3 хо-




нали сонларни ҳам бемалол ҳисоблай олади, кирилл ва лотин алифбосидаги ҳарфларни ажрата олади ва ўқийди.

**Мусамира Бахтиёрва** Тошкент шаҳар 175-мактабнинг 3-синфни тугатган бу кизалоқ кичкиналигидан шаддо, ҳамма билан тез мулоқотга киришиб кетади. — Ашула эшитишга кизикаман, — дейди Мусамира. — Олдин ментал арифметика, шахмат ва инглиз тили тўғраракларига мунтазам қатнашиб келардим. Ҳозир таътилдни дала ҳовлида ўтказаяпман. Бу ерни табиати жуда яхши. Онлайн тарзда инглиз тили машғулотларини ҳам ўқияпман.

**Ҳасан Абдумуталов**, Сергели туманидаги 6-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.

Ҳасан кунини қандай ўтказишини олдиндан кунлик, ҳафталик режа тuzиб олади. Кун тартиби ёки ҳафталик режа олдиндан тузилса, боланинг кераксиз нарсаларга чалғишга ва



зерикишга вақти бўлмайди.

— Таътилда математикага оид китоблардан мисол, масалалар ишляпман, — дейди Ҳасан. — Она тили, инглиз, рус тили фанларидан қўшимча китоблар ўқияпман. Кейин трансформерларни ясашни жуда яхши кўраман. Келгусида технолог-ихтирочи бўлишни мақсад қилганман.

**Чарос ДўСТМАТОВА.**

# YURAGIDA SHOVQIN BILAN TUG'ILGAN GO'DAKLAR

## ularni davolashda nimalarga e'tibor qaratish lozim



**Б**угун дунё буйича минглаб, балки миллионлаб болалар туғма юрак нуқсонидан азият чекмоқда. Тиббиёт тараққиёти туфайли бугун бу касалликдан бутунлай фориғ бўлаётганлар талайгина. Бироқ қайсидир омиллар сабаб нобуд бўлаётган чақалоқлар ҳам борлигини тан олишимиз керак. Халқ тилида «юрак пороги» деб аталадиган бу касаллик, унинг келиб чиқиш сабаблари, даво чоралари ва олдини олишга қаратилган тавсияларни юртдошларимизга етказиш мақсадида Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази болалар жарроҳлиги бўлими шифокори, кардиохирург Фаррух МУҚИМОВ билан суҳбатлашдик.

– Фаррух Ҳасанбоевич, энг аввало, туғма юрак нуқсони касаллиги ҳақида батафсил тушунча берсангиз.

– Туғма юрак нуқсони касаллиги гуруҳли хасталик бўлиб, юракнинг анатомик етишмовчилиги (яъни, клапан, томир), она қорнида кечадиган, юрак ичи ва гемодинамикасининг бузилиши билан характерланади. Бу касалликда қон оқими ўзгаришлари бирламчи сабаб бўлиб, у юрак етишмовчилигига олиб келади. Туғма юрак нуқсони бу – айнан юрак ва йирек қон томир касаллиги демакдир. Юрак пороги касаллиги ҳомиланинг дастлабки 3 ойлигида, яъни чақалоқ юрагининг ривожланишида ташқи ёки ички факторлар сабабли юракнинг морфологик ўзгариши туфайли юз беради. Ривожланаётган юракда бузилишнинг пайдо бўлиши туғма юрак нуқсонини келтириб чиқаради.

– Фарзандлариди шундай касаллик аниқланган ота-оналарда “Нега бундай бўлди, ҳаммаси яхши эдику”, деган аламли саволлар пайдо бўлади...

– Тўғри, туғма юрак нуқсонининг келиб чиқиш сабаблари ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган. Тадқиқотларга кўра, мазкур касалликка сабаб бўладиган омиллар жуда кўп. Ҳомила ўсиши жараёнининг бузилиши механик, физик, химик, биологик таъсирларга боғлиқ. Лекин энг асосийси, ҳомиланинг дастлабки даврида унга инфекциянинг юқишидир. Ҳомилдорлик пайтидаги вирус касалликлари, радиация, дори воситалари, зарарли одатлар ҳам бундан мустасно эмас. Ҳомила ривожланишининг дастлабки уч ойлигида юрак туғма нуқсонларининг ҳосил бўлиш эҳтимоли жуда юқори. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, қандли диабетга чалинган оналар ҳомилдорлиги чақалоқларда юрак туғма нуқсонини юзага келтириши исботланган.

Соғлом фарзанд дунёга келиши учун аввало, онанинг ўзи соғлом бўлиши, қандли диабет, ревматизм касалликларидан сақланиши, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймастик, ҳомилдорликда (айниқса, дастлабки уч ойлигида) ўткир респиратор касалликларга чалинмаслиги, шунингдек, тамақ ва алкоголь ичимликларни истеъмол қилмасликлар керак. Ҳомилдор онанинг руҳий эзилиши, асабийлашиши, тўйиб овқатланмаслиги, витаминлар ва микроэлементлар етишмовчилиги, оғир меҳнат шaroити – буларнинг барчаси ривожланаётган ҳомилда юрак туғма

нуқсонини келтириб чиқаради.

Бу касаллик маълум бир фойзда ирсий касаллик билан ҳам боғлиқ. Яъни, ота-онадан бирида юрак хасталиги кузатилса, бу албатта, туғилажак болада ҳам такрорланади. 35 ёшдан катта бўлган ҳомилдор аёллар фарзандларининг соғлом туғилишига қафолат жуда кам. Ана шу хавфли туғиш даври ҳам болаларда кўп ҳолларда юрак туғма нуқсонини келтириб чиқаради.

– Бу касалликда қандай белгилар кузатилади?

– Туғма юрак нуқсонлари касаллиги билан туғилган болаларда ўзига хос белгиларни кузатиш мумкин. Тиббий текширувларда улар юрагида шовқинлар эшитилади. Бола терисидидаги кўкаришлар, ҳолсизлик, камқонлик, хатти-ҳаракатларнинг сустлиги, ривожланишдан ортда қолиш кабилар хасталикнинг асосий белгилари ҳисобланади. Бемор болалар тенгдошларига қараганда ривожланишда жисман орқада қолиши, шунингдек, организмнинг ҳимоя қувватларидаги заифлик, юқумли касалликларга чалинишга мойиллигининг юқори бўлиши организмнинг шу касалликдан азият чекаётганини кўрсатади.

Биласизми, кўп ҳолларда бу каби хасталикка чалинган чақалоқлар она кўрагини инкор этадилар. Чунки эмиш жараёни уларга оғирлик қилади: тез чарчаб қолишади. Терлаш, тахикардия, нафас қисими юзага келади.

– Хасталикнинг даво чоралари ҳақида кенгроқ тушунча берсангиз. Бу фақат жарроҳлик амалиёти билан боғлиқми ёки узлуксиз даволаш ва изчил назорат орқали ҳам касалликни енгиш мумкинми? Эшитишимча, нуқсон ёпилиб, юрак соғлом ҳолатга айланган ҳодисалар ҳам юз берган экан...

– Фарзандининг касаллиги ҳақида хабар толган ота-оналарнинг барчаси ҳам бирдек масъулиятли эмас. Мен бундай ҳолатларни жуда кўп кўрдим. Тўғри, бу молиявий маблағ билан боғлиқ. Лекин имконияти етарли бўла туриб, бепарволик қилаётганлар ҳам бор. Кўп ҳолатларда ота-оналардаги “эртага, сал каттароқ бўлсин, даволатамиз” қабилидаги фикрлар сабаб даво чораларини қўллашда қийинчиликлар

юзага келади. Касалликнинг асоратланиши жарроҳлик амалиётига тўқинлик қилади. Туғма юрак нуқсони хасталиги қанча тез аниқланиб, жарроҳлик амалиёти ўтказилса, касалликдан бутунлай фориғ бўлиш эҳтимоли шунча юқори бўлади. Бола организмни тиклаб олиши осон кечади. Вақт йўқотиш ҳар жиҳатдан жиддий қийинчилик туғдиради: ҳам боланинг аҳволи жиддийлашиши, ҳам жарроҳликда бир талай мураккабликлар келиб чиқиши мумкин.

Туғма нуқсонни табиий ёпилиб кетиш ҳолатларига келадиган бўлсак, бу ҳам тиббиётда исботланган. Лекин ҳаммаси ҳам эмас. Текширувлар, таҳлиллар ва тиббий хулосалардан келиб чиқиб, биз кардиохирурглар маълум вақт даволаниш ва натижани кутиш босқичини кузатамиз. Бундай ҳолларда нуқсонларнинг ёпилиб кетгани ҳам учраган. Одатда, бунда жарроҳлик амалиётига муҳтожлик сезилмайди. Асосан бўлмачаларо туғма юрак нуқсони босқичли даволаниш давомида ёпилиб кетади. Таъкидлаш жоизки, туғма юрак нуқсонлари ҳолатига қараб даволаниши керак.

Жарроҳлик амалиёти билан даволаш зарурияти туғилганда эса вақтин бой бермаслик лозим. Тўғри парварши орқали касалликнинг асоратсиз кечишига эришилади.

– Випоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази умумий жарроҳлик бўлимида очилган болалар кардиокардиохирурглиги фаолияти ҳақида нималар дея оласиз?

– Шифохонамизда 2018 йил октябр ойда кардиокардиохирурглиги йўналиши бўйича аниқ фаолият бошланди. 5 ўринли кардиокардиохирурглиги бўлимида бугунги кунда юрак туғма нуқсонини

касаллиги билан ташхисланган бемор болалар даволаниб келмоқда. Шу қисқа вақт ичида вилоят миқёсида юрак туғма нуқсони билан туғилган гўдаклар рўйхатга олиниб, касаллик турига кўра консерватив ва хирургик даволаш йўлга қўйилган. Айни кунларда 20 нафар бемор болаларда юрак туғма нуқсонини бартараф этиш амалиёти бажарилди. Касалликнинг оғир тури аниқланган беморлар Республика кардиохирургия марказларига юборилди.

Мазкур йўналишнинг ташкил қилиниши вилоятдаги юрак туғма нуқсони билан касалланган чақалоқлар ва болаларни ташхислаш, даволаш имконини бериш билан бирга уларнинг даволаниши, соғлом бўлиши учун қўйилган муносиб қадамдир. Ушбу хайрли иш туфайли қисман беморлар ва уларнинг оила аъзолари пойтахтга бормасдан, бўлимининг ўзида ташхисланиш ва даволаниш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Албатта, бу борада маълум бир муаммоларимизнинг борлиги фаолиятимизда биров қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Юрак туғма нуқсони бўлган беморларнинг батамом соғломликка эришиши учун вилоятларда ҳам худди пойтахтдагидек замонавий аппаратлар ўрнатилиши босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Уйлайманки, бу илҳобий ҳаракатларнинг барчаси болалар саломатлигини таъминлашга қаратилган.

– Айнан сиз фаолият олиб бораётган бўлиб мазкур касалликка қарши қандай инновацион гоя билан курашиш борасида ташаббус кўрсатди?

– 2019 йилнинг сентябр ойда Наманган шаҳрида «Йигирма биринчи асрда тиббиёт ва фармацевтиканинг ривожланишида инвестиция ва инновациянинг роли» мавзусида ўтказилган халқаро форум миқёсида бизнинг марказ ҳамда Қозғоистон Республикасининг Нур-султон шаҳридаги “Миллий-илмий тиббиёт маркази” акционерлик жамияти кардиокардиохирурглиги бўлими ўртасида икки томонлама ҳамкорлик имзоланди.

Ушбу ҳамкорлик асосида республикада илк бор бизнинг марказимизда юрак туғма нуқсони билан ташхисланган уч бемор гўдакда қоринчаларо тўсиқ нуқсонини олдинги-пастки кичик кесма билан ишлаб турган юракда бартараф этиш амалиёти “Транспичевод-ЭхоКГ” аппарати назорати остида махсус оккюлер билан муваффақиятли бажарилди.

Мен кардиохирург сифатида бу амалий жарроҳлик жараёнларида қатнашдим. 5 нафар бемор болаларни касалликдан шифо толганидан бошим кўкка етди. Қолаверса, юрак-қон томир жарроҳлиги бўйича олиб борган илмий-ижодий ишларимни амалда жарроҳлик амалиёти орқали янада мустаҳкамлашга эришдим.

– Эндиги фаолиятда қандай самарали режаларни кўзлаяписиз?

– Вилоятимизда юрак туғма нуқсон билан туғилган чақалоқлар ва 3 ёшга бўлган болаларда касаллик турини аниқ ташхислаш ва даволаш амалиётини белгилаш фаолиятимиздаги бош мезон ҳисобланади. Операцияга бўлган юқори ўлим кўрсаткичинини бартараф этиш ана шу мезонларга асосланади. Агар биз марказимиздаги жарроҳлик амалиётларига монелик қиладиган айрим муаммоларни бартараф эта оласак, бу касалликдан азият чекаётган минглаб болаларни ҳаётга қайтарган бўламиз.

**Мастура ЗУЛФИҚОРОВА**  
суҳбатлашди.



# “BO‘LAR ELNING BOLALARI BIR-BIRIN DER”

“Тезликда ёрдам керак, кислород баллонини қаердан топсам бўлади, бувимнинг сатурацияси (қоннинг кислород билан тўйинганлиги) 44 фоизга тушиб кетди. Коронавирус билан оғриган, касалхоналарда жой йўқ экан, нафас олишга қийналаяпти”, деган мазмунда бир йигит facebook саҳифасида ёзиб қолдирибди. Бу гапга ёзилган барча изоҳларни ўқиб чиқдим.



Азиза Раҳматова: Кимга кислород баллони керак бўлса, А Эргашева кўнғироқ қилсин.

М.Арслонов: Сергелида бир шифокор саовб йўлида кислород баллонини бермоқчи эди...

Шундай мазмундаги ўнлаб изоҳларни кузатишингиз мумкин.

Орадан беш соатлар ўтгач муаллиф ёзиб қолдирапти:

“Барчангизга раҳмат, Умаржон сизга алоҳида раҳмат, айтган йигитларингиз келиб кислород баллонини ўрнатиб бериб кетди. Бувимнинг нафас олиши энгиллашди, сизни алоҳида дуо қиляптилар”.

Яна худди шундай эълонга кўзим тушади: “Кимга кислород керак бўлса, кислород ёстиқчасини бепул тўлдириб бераман”

Яна facebook ижтимоий тармоғининг “Халқ билан мулоқот” гуруҳида бир йигит пост қўяпти: “Ўн киши шахсий почтама пластик картасининг рақамларини жўнатсин ёки кўнғироқ қилсин 100 мингдан ўтказиб бермоқчиман, ҳайитга фарзандларини хурсанд қилсин”.

Яна шу гуруҳда бир ҳамюртимиз ёзаяпти: “мен кўй сўймоқчиман, муҳтожларни манзилни берсангиз гўшт тарқатардим”.

Ҳа, ана шундай танти, мард агар қўлидан яхшилик қилиш келса қайтармайдиган одамларимиз бор. Бу айниқса эл бошига иш тушганда янада яққолроқ кўринади.

Айнан ҳар бир халқнинг халқлиги, элнинг элиги мана шундай оғир кунларда билинади. Коронавирус бутун дунёни эгаллаб олгани ва бизнинг юртимизни четлаб ўтгани ҳам халқимиз учун чинакам синовга айланди. Ҳеч бир ўзбекистонлик бу талафотларга бефарқ эмаслигини исботлади. Шундай кунда халқ бирлаша олди. Меҳр-оқибат, қаноат-сабр мустаҳкамланди. Карантинда иш-иш қилиб кетган ижтимоий кўмакка муҳтож одамлардан саховатини аямасди, уйда ўтирган аҳолига катта-

оғир кунда елкадош бўлиш бу синовни мардонавор энгиш демакдир.

Яхши тарбия кўрган, маънавиятли инсон ўзи яшаб турган жамиятдаги барча инсонларга наф келтиришга, улардан зарарни даф қилишга ҳаракат қилади.

– Ҳар бир кунини, ённки ҳар бир сониясини ўзгалар корини осон қилишга, ў к с и л а р н и н г кўнглини кўтаришга бахшида этадиган инсонлар чинакам фидойилардир. Инсонлар хизматида бўлиш, уларга имкон қадар ёрдам қўлини чўзиш ва ҳожатларини раван қилишда доимо саъй-ҳаракатда бўлиш – улкан саодат, – дейди “Мирзо Юсуф” жомеъ-масжиди имом-хатиби Раҳматуллоҳ Сайфиддинов. – Дунёда савобга, яхшиликка олиб борадиган ишлар жуда кўп. Жумладан, ота-онасига яхшилик қилиш, қўни-қўшнисига, ака-укасига, қавмуқариндошларига,

Ҳар бир мусулмон кишиси садақ-эхсон қилмоғи лозим. Саҳобайи киром савол қилиб сўрашди: Эй Аллоҳнинг Расули! Агар садақа қилишга бирор нарса топа олмасан нима қилади? Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: Қўли билан меҳнат қилади, ўзига ҳам фойда келтиради ва садақа ҳам қилади. Улар сўрашди: Эй Аллоҳнинг Расули! Агар бунга қодир бўлмасан, нечора қилади? Ул зоти шариф дедилар: Қийналган, муҳтож кишига ёрдам қилади. Асҳоблар савол беришди: Эй Расулulloҳ! Агар буни ҳам қила олмасан нима қилади? Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам жавоб бердилар: “Яхшиликка ёки хайриятга йўллайди” Саҳобайи киром сўрашди: Буни ҳам қила олмасан-чи,? Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам марҳамат қилиб айтдилар: “Ўзини ёмонликдан тияди, шу нарса ундан садақа бўлади”.

Бугун қайси бозорга борманг саховатли инсонларнинг машиналарига юк ортаётганини, ҳамюртларимиз, яъни кўнгилли волонтерларимизнинг бугун қаергадир ёрдам керак бўлса, ўша жойга шошаётганининг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Айниқса мана шундай улуг айём кунларида ҳамюртларига олижаноблик қилаётган, кўмак кўрсатаётганларнинг кўплигини кўриб дилингиз ёришади. Келажақда отасининг, ён-атрофидаги одамларнинг ўзгаларга яхшилик қилаётганининг беихтиёр гувоҳи бўлган фарзандларимиз эртага бундан каттароқ эзгу ишларни амал оширишга ҳаракат қилади, ватанига, элига хизмат қилишдан, эл бошига иш тушса биринчилардан бўлиб отланишига шубҳа йўқ. Доринонадан дори олаётганимда навбатга турган бир йигит онахонинг бир дунё дори-дармонларига “ҳай-ҳай”лашига қарамай “мендан сизга ҳайитлик

**Бугун қайси бозорга борманг саховатли инсонларнинг машиналарига юк ортаётганини, ҳамюртларимиз, яъни кўнгилли волонтерларимизнинг бугун қаергадир ёрдам керак бўлса ўша жойга шошаётганининг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Айниқса мана шундай улуг айём кунларида ҳамюртларига олижаноблик қилаётган, кўмак кўрсатаётганларнинг кўплигини кўриб дилингиз ёришади.**

катта юк машиналарида юртимизнинг турли чеккаларидан саховатпеша инсонларимиз, турли ташкилотларнинг “Биз сиз биланмиз!” шиори остида саховат карвонларининг юборилаётгани халқимизнинг меҳр-оқибатли, саховатпеша эканлигини яна бир бор исботлади. Республикаимизнинг турли вилоятларида хайр-эхсон қилувчиларни бирлаштирган “Саховатли инсонлар” эҳсон лойиҳаси йўлга қўйилган. Улар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, кийим-бошгача, рўзгор учун керакли жиҳозларгача етказиб берилди. Албатта коронавирусга қарши курашда дори-дармонларга, бир марталик ниқоб ва жиҳозларга ҳам эҳтиёж ошиб кетди. Бу ҳам нафақат давлат балки саховатпеша ҳомийлар эътиборидан четда қолмасди.

Шундай синовли кунларда давлатнинг ёнида саховатли кишилар турмагани эди, шунча синовга бардош бериш осон бўлмасди. Саховат, кўмак,



маҳалла - кўйдаги ёрдамга муҳтожларга, қаровисизларга кўмак бериш сингари хайрли ишларни ўз бурчи, деб қабул қилиш юксак инсоний фазилатлардир.

Абу Ҳурайра (розияллоху анху.) Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан нақл қиладилар. Ул зоти шариф айтдилар: “Табассум билан айтилган чиройли сўз – садақадир”. Абу Мусо (розияллоху анху)дан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам марҳамат қилиб айтдилар:

онажон”, деб пулини тўлаб кетганини кўрганимда қалбимда ўша йигитга нисбатан шукроналик туйғусини туйдим... У ўзи билмаган ҳолда ўша ерда дорига навбатга турганларга намуна бўлиб кетди. Шояр айтганидек, “Бўлар элнинг болалари бир-бирин дер...”. Бир-бирини деб яшаётган халқимиз бу синовли кунларни мардонавор энгишга, янада жиҳсллашишга, ҳақиқий саховатпеша миллатга айланишига шубҳа йўқ.

Барно СУЛТОНОВА.



# "FILM HAQIDAGI TAASSUROTLARIM..."

Ўзбек адабиётининг буюк ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб суратга олинган телесериални томоша қилдик. Фильм Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова ҳақида дейилади, аммо фикримча, фильм бир-бирига садоқатли бўлган, бир-бирини интизор кутган Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин ҳақида. Ҳазрат Алишер Навоий қаҳрамонлари сиймосида абадий муҳаббатни акс эттиради. Саид ва Саида ҳам мана шу Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширинлар каби севгиси ўлмас, ишончи сўнмас, муҳаббати битмас жуфтликдир. "Сабру садоқат" аслида, Саид ва Саиданинг сабридан яралган фильм. Фильмда СССР тузуми қораланиб, ёзувчи ва шоирлар умуман, ижодкорлар "нафас" олишга қийналишгани акс этган. Саид Аҳмадни тўхтама бўлганлар билан "Халқ душмани"га айланган бўлса, Саидани жамиятга қабул қилишмайди.



Воқеалар ривожи шунчалар чиғалки, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова ҳаёти фильмга сигмай қолгандек! Катта юракли катта ижодкорларнинг ҳаётини китоб қилиш ёки улар ҳақида фильм суратга олиш анчайин мураккаб иш. "Сабру садоқат"ни томоша қила туриб, кемтиклик сездим. Фильмдаги воқеа-ҳодисалар тезлик билан бошланиб, тезлик билан тугагандек гўё. Кадрларда боғлиқлик кузатмадим! Фильмни суратга олишда режиссёрга озгина синчковлик етишмаган, назаримда. Актёр ва актрисалар учун танланган либослардан, суратга олиш жойларидан Саид Аҳмад ва унинг рафиқаси яшаб ўтган муҳитни кўра олиш мумкин! Режиссёр аввало, фильмга шундай замонни бахш эта олгани билан томошабин эътиборини тортган. Ҳар қандай кино 4-5 киши билан суратга олинмайди. Фильм яхши бўладими ёки ёмонми кадр ортда меҳнат қилувчилар жуда кўпчиликни ташкил этади. Режиссёр билан бирга оператор, пардозчи, чирок

қалбидан отилиб чиқаётган аламлар, қалам эмас кўз ёши билан битилган шеърлари асарни жонлантирган. Унга бўлган таҳдидларга жавобан билдирган фикрлари томошабинни ўйга толдиради. "Сабру садоқат"ни томоша қила туриб, Саида Зуннуновани нафақат шоира, аёл, садоқатли рафиқа сифатида ҳам яқиндан билиш мумкин. Саида образини маҳорат билан ижро қилган актриса Шахло Темирова ўзига топширилган ролни камчиликларсиз ифода эта олган. Бу шахсий фикрим! Балки мендан, сиздан бошқа томошабин бу ролда Дилноза Кубаева, Жамила Гафуровани ёки умуман, бошқа актрисани кўришни истаган бўларди. Аммо роллар тақсимида ҳам камчилик кузатилган. Эпизодлардан биргина Шодия Абдуқодированинг ўта ларзали ижроси ёдимда қолди.

Сериал орқали атоқли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг очилмаган сирли томонларини ҳам билиб олдик. Саид Аҳмад нафақат ёзувчи, балки гўзал касб эгаси яъни ажойиб рассом бўлган экан. Маълум доирадаги инсонлар бу ҳақда маълумотга эга бўлиши мумкин, аммо Саид Аҳмаднинг рассом бўлганини ҳамма ҳам билмасди. Шу сабаб се-

риал томошабин учун энциклопедия вазифасини ҳам ўтади, десак муболаға бўлмайди. Сериалдаги Саид Аҳмад учун танланган актёрга тўхталадиган бўлсак, бу актёр Эркин Бозоров учун масъулиятли образ эди. Ижро яхши. Фақат у ёзувчи Саид Аҳмад эканлигига томошабинни ишонтира олмаган. Балки бу режиссёрнинг айбидир. Янада яхши ижро бўлганида у халқнинг хотирасида Саид Аҳмад бўлиб қолган бўларди. Худди устоз актёрларимиз Муҳаммадали Абдуқундузов (Захириддин Муҳаммад Бобур), Раззоқ Ҳамроев (Алишер Навоий), Ўлмас Алихўжаев ("Ўткан кунлар"да Отабек)лар ўз ижролари билан кино тарихида қолганларидек, Саид Аҳмад роли билан ҳам тарихда қолиш мумкин эди.


## "Сабру садоқат" янада яхши фильм бўларди, агарда...

Телесериалнинг энг катта камчилиги бу фильмда актёрлар сони ортиб кетгани. Эпизодлар жуда кўп. Шунинг учун ҳам кадрлар бир-бирига уйғун келмаган, воқеаларда узилишлар кузатилган. Театрга тушган томошабин 8-10 кишилик ижро билан театр кўргандай бўлиб чиқади. "Сабру садоқат" телесериалида ҳам икки буюк ижодкорнинг ҳаёт йўли кўрсатилган. Бундан англаш мумкинки, ортиқча эпизодлар фильмнинг савиясини тушуриб юбориш билан бирга томошабинни зериктириб қўяди. Фильмда мана шу камчилик мавжуд.

Яна қўшимча сифатида Саида Зуннунованинг қаламига мансуб шеърлар унинг ўзи тарафидан жонли ўқилганда ҳам фильм анчайин залворли бўларди. Сериал ижодкорлари шоиранинг биргина "Ҳай-ҳай" ва Дилноза Кубаева томонидан ўқилган санокли шеърларидангина фойдаланишган. Ваҳоланки, сериал улар ҳақида экан ёзувчи ва шоиранинг ижод намуналаридан кўпроқ келтириш мумкин эди.

Нилуфар МУРОДОВА,  
журналист.

# MAZA MATRASIZ QO'SHIQLAR



Ҳозир айна деҳқоннинг иши кўпаядиган вақт. Бундай қуёшли кунларда шоликорлар сув пойлаб юришади. Биз ҳам оилавий далада туну кун меҳнат қиламиз. Бир кунни дадам даладан сал эртароқ келди. Овқатланиб бўлгач, телевизорни ёқдим. Дадам: "Navo" каналига ол ўғлим, қўшиқ эшитамиз, дедилар. Ишдан чарчаган вақтда яхши қўшиқ эшитиш руҳингизни яйратади, чарчоғингизни аритади. Телеканалда ёш хонандалардан бири куйлаётганди исмларини ўқий олмадим ёки ишланган клипда исм кўйилмаган эди.

Эй сўзи ширин, қоши қалам,  
Санга ошқман қайданам.  
Эзмаланма, оббў, эрқаланма, оббў.  
Лаблари қулупнай мани гўзалим,  
Ойдаман гўзалсан, оббў  
Бунча инжиқсан, оббў.  
Қўшиқни эшитганимиздан кейин  
бир лаҳза сукут чўкдию дадам

## o'rnak olishiga arziydimi?

"Оббў, бир қўшиқ эшитаман дегандим, шундаям қўшиқларнинг "оббў"сини эшитиб ўтирибман-а...", деб ҳазил қилдилар.

Ҳурматли ўқувчи, ақлингиз билан, бор маънавиятингиз билан айтилган, эфирга узатилган юқоридаги қўшиқнинг сўзларини шеър деса, бўладими? Одатда маъноли, савияли шеърлар қўшиқ қилинмасмиди? Ёки ҳозир замон ўзгарган деб, санъатдаги баъзи ҳаваскорларни деб мантиқ бемаънилик билан ўз жойини алмаштирганми? Оддий ўқувчи, қишлоқ боласи сифатида "ғидибиди", "оббў", "эзмаланма, эрқаланма", "инжиқ" сўзларини, "лаблари қулупнай" ўхшатмасини эшитиб, ҳам кўлдим ҳам афсусландим.

Кимнинг устидан кулгим келди? Агар шеър деб бўлса, ўша шеърни ёзган ҳаваскорнинг;

Қўшиқни халққа тақдим этган телевиденининг;

Эфирга узатишга лойиқ, деб қарор чиқарган муҳаррирнинг.  
Нимага афсус чекдим?  
Агар ўзбек санъатининг, хусусан, эстрадасининг эртаси шу бўлса, яхши-си қўшиқ эшитганим маъқулмикан

деб, ўйладим.

Бир кузатувчи сифатида танқид қилишдан йироқман. Чунки қилган танқидим, ёзган сўзларим кимларгадир ёқмас, фақат илтимос қилмоқчиман.

Ҳурматли санъатга ҳавасмандлар, халқнинг, хусусан, биз ёшларнинг онгимизни, ахлоқимизни бузишга ҳаракат қилманг.

Унутманг, халқ шунча пул сарфлаб, олаётган клипларингиздаги бетайинликни кўришни эмас, қўшиқ эшитишни хоҳлайди. Агар "Оббў"га ўхшаш қўшиқларни кидирсам, ўнлаб, балки юзлаб топишим мумкин. Бу ҳолатдан маънавият аҳли, маърифатчилар, кенг жамоатчилик нега жим? Катта ёшдаги масъуллар кўплаб савиясиз қўшиқларни, ахлоқсиз клипларни эфирга узатиб қўйишади-да, яна "Ёшлар одобсиз, ёшлар тарбиясиз", деб бонг уришади. Кечирасиз, "оммавий маданият"нинг авж олишида ҳам, биз ёшларнинг тарбиямиздаги нуқсонларнинг ортиб бораётганида ҳам телевидениенинг, маъносиз қўшиқларни эфирга узатилишига рухсат бераётган катталарнинг ҳиссаси бор.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОВЕВ,  
Гулистон давлат университети талабаси.

**Б**опалигимда юз берган бир воқеани негадир жуда кўп эсламан. Ҳар эслаганимда юрагимда оғриқ пайдо бўлади. Ярасига янгитдан туз сепилган одамдек вужудим азобланади. Ушанда 13 ёш эдим.

Бу ёшдагилар гарчанд воқеа-ҳодисалар моҳиятини чуқур англашмаса-да, улардан беадад таъсирланадилар, ҳайратга тушадилар, изтироб чекадилар. Менда ҳам худди шундай бўлди. Фақат орадан ўн йиллар ўтиб кўз ўнгимда рўй берган ўша воқеа биргина ёлгон қасамнинг мудҳиш оқибати эканлигини, сўзнинг нақадар қудратли илоҳий кучга эғалигини англаб етдим.

Бундан 24–25 йиллар олдин. Борзорларда, савдо дўконларида егулик ҳам, кийим-кечак ҳам тортилиб қолган, тирикчилик қилиш анча қийин, бирор-бир маърака-маросим ўтказиш-кундан ҳам мушкул эди. Аммо шу орада бувам қаттиқ касалга чалиниб, кичик укамнинг суннат тўйини ўтказишимизни сўраб, оёқ тираб туриб олдилар. Оддий муаллим дадамнинг боши қотди. Жўжабирдай жонмиз, бизлардан орттириб бўлармиди. Бувам ҳа деб бетоқат бўлавергач, дадам ноилож қишлоқдаги оқсоқолларни маслаҳатга чақирди. Катталар келишиб, қаромоғимиздаги ягона қари сигирни сотиб, кичкинагина тўй ўтказадиган бўлишди. Биз ҳаммамиз сигирга ачиндик. Чунки унга ўрганиб қолган эдик. Эсимни танибманки, у молхонамизда туради. Суяги йирик, зотдор, роса сερсут жонивор. Болалари қатори бизни ҳам боқарди. Бувим уни доим “баракали сигир” деб алқарди. Ҳалиям ушандагй гўштор, ҳайбати филдек келса ҳамки, унинг кексалиги дадамни ташвишга солиб қўйди. “Қари сигирга харидор топилармикин?” деган ҳақиқда эди. Яқшанба кун дадам амаким билан бирга сигирни етаклашиб бозорга олиб чиқишди. Гарчанд сигиримизнинг ортидан ачиниш билан кузатиб қолган бўлса-да, лекин қуруқ қайтиб келишини ҳам истамасдик. Ушанда мен ноиложлик кишини ҳар қандай қурбонликка ҳам рози қилишини чуқур англаб етган эдим.

Айни тушлик маҳали дадам дарвозадан бошини эгганча кириб келди. Ортидан амаким кўринди, у қари сигирни етаклаб олганди. Ҳар гал дадамга пешвова чиқадиган онам, бу гал кўзига кўринмасликка ҳаракат қилди. Биз ҳам бувимнинг ишораси билан унинг бир бурчиға тижлиб ўтирдик. Хайриятки, бу ноқулайлик узокқа чўзилмади. Дарвоза томондан келган “домла” деган дадил овоз ҳаммамизни зил-замбил юқдан қутқаргандек бўлди. Ўрта ёш, баланд бўйли, кўриниши анча совуққон бу кишининг узок қишлоқлик мол дўхтири эканини амакимдан билиб олдик. Бозорда у қари сигиримиз билан қизиқиб қолган, аммо нархини жуда пасайтириб юборгани учун дадам у билан савдолашини истамеган экан. Ҳозир ҳам дадам унга рўйхушлик бермаётгани шундоқ сезилиб турарди. Аммо мол дўхтири жуда миждов, ёпишқоқ одам экан, барибир дадамни кўндириб, сигир томон йўл

# YOLG'ON QASAM OQIBATI

олди. Биз қизиқиш билан дераза ортидан унинг ҳаракатларини кузатардик. У даставвал сигирнинг атрофидан бирикки айланиб кўрди, кейин оғзини очиб обдон текширди. Яна анча вақтгача уни кўриқдан ўтказди. Сўнг алланима деб дадамнинг кўлини чап кўли қафтга ушлаб, иккинчи кўлини унинг устига қарсиллатиб урди. Дадам кескин бош қақайди, кўлини тортиб олмоқчи бўлди. Аммо анча бақувват бўлган мол дўхтири

унинг қўлларини қўйиб юбормас, яна бир нималар деб, уни кўндиришга уринарди. Узок тортишувлардан сўнг дадам кўлини тортмай қўйди, мол дўхтирининг эса оғзи қулоғида эди. Ҳа, у сигиримизни баҳосидан анча арзон нарҳда сотиб оладиган бўлди. Шунда ҳам пулнинг ярмини бериб, қолганини 4-5 кунда етказишни ваъда қилди. Арзон ўлжасини етаклаб кетаётганида, дадам унга “сигир эрталаб анча йўл юриб толиқди. Яхши, уни юк машинасида олиб боринг. Бўлмаса, эртага олиб кета қолинг” деб эътироз билдирди. Бироқ, у роса қайсар киши экан, “бунагин ҳам урмайди” дея сигирни тортиқлаб кетди.

Эртаси кун оқсоқоллар тўй кунини белгилашди. Дадам дарров керакли нарсаларга олдиндан буюртма бериб келди. Хуллас уйимизда ҳамма ширин ташвишлар билан овора, биз болалар эса яна уч кунни қандай қилиб ўтказиш ҳақида ўйлаймиш. Шу пайт дабудурустан бир қўшнимиз келиб, сигиримиз катта ариқ ёқасида ўрнидан туролмай йиқилиб ётганини айтиб қолди. Дадам турган жойида тош қотди. Унинг кўзларидега ғазаб, нафрат ва иложсизлик шу қадар қоришиб кетган эдики, қараган кишини кўрувга солмай қўймасди. Бир мuddат шундай тургач, ўқдай отилиб чиқиб кетди. Барчанинг миёсидега бу тушуниксиз ҳолатнинг қандай рўй бергани ҳақидаги саволлар гўжгон ўйнарди. “Қандай қилиб кеча олиб кетилган сигир, бугун бу ерга келиб қолди? Уни биров олиб келганми ёки ўзи қочди? Агар олиб келинган бўлса, нега уйга эмас, қачага

ташлаб ҳетишди экан?”

Ҳаммаси дадам келгандан кейин ойдинлашди. Мол дўхтирининг кечаги қайсарлиги сабаб ҳолдан тойган сигир ярим йўлга ҳам бормади мадорсизланиб ётиб олади. Янги хўжайин уни калтаклаб, ўрнидан тургазади.

То уйига етувнча бечоранинг бир неча бор калтак ейишига тўғри келади. Манзилга етгач эса тамоман мадорсизланиб йиқилади. Ичидан дадамни “бопладим” деб хузуруланаётган мол дўхтирининг тарвузи кўлтигидан тушади. Эртаси кун сигирни эски бир тракторга юклаб, қишлоққа келтирадию ҳеч кимга индамай, ариқ ёқасига ташлаб кетади. Уни кўргани борганимизда, очиги, таниёлмай қолдик. Жонивор қум аралаш қонга беланган, азбаройи мадорсизликдан оёқларини чўзиб ётиб олган, пишиллаб зўрга нафас оларди. Тўйнинг ҳамма харажатларини шу сигирдан келадиган пулга қоплашни мўлжаллаб қўйган дадамнинг боши қотган эди. Аммо қишлоғимизнинг инсофли қассоби шу жойда дадамнинг жонига оро кирадиган маслаҳат берди. “Ака, қайғурманг, сигирингиз роса гўштор. Агар уни сўядиган бўлсак, тўйингизни ҳеч бир қарзсиз кўтарарди”. Чиндан ҳам бувим айтганларидек, сигир баракали чиқди. Уни уйга келтиришнинг ҳеч иложини топишолмагач, шу ернинг ўзидаёқ сўйишди. Ярим гўштини тўй қозони учун олиб қолишди, қолган ярмини қассоб олдиндан пулни тўлаб олиб кетди.

“

Назаримда

ҳаммаси жуда тез содир бўлди. У кетди, тўй бўлди ва орадан икки-уч кун ўтиб-ўтмай кимдир дадамга шум хабар олиб келди. “Домла, сигирингизни сотиб олмоқчи бўлган мол дўхтирининг ёшгина ўғли ўз жонига қасд қилибди. Айтишларича, ўзини осиб ўлдирганимиш...” Ҳаммамиз қайғуга ботдик. Дадам эса худди яшин урган одамдек тек қотиб қолди.

Ҳаммаси жой-жойига тушди. Кечликда ҳамма ғам-ташвишлар унутилиб, барчамиз шод хурамлик билан дастурхон атрофида ўтирганимизда, дафъатан “домла” деган товуш эшитилди. Сигирнинг сотилганини эшитиб, беорларча кеча берган пулларини қайтариб олгани келган экан.

Дадам аввал босиқлик билан саломлашди, лекин кейин ҳарчанд ўзини хотиржам тутишга уринмасин, кўзларидега бесаранжомлик, кўлларидега титроқ, овозидаги оҳанг унинг ғазаби ва нафратини яққол ошкор этиб турарди. Табиатан жуда оғир-босиқ, камагач ва камсуқум бўлган дадамни қаршида турган ана шу нокас кимсаннинг, тубан қилмиши тамоман бошқа инсонга айлангитиб қўйган эди. Энди у борган сари қизишиб, рақибини

шафқатсиз тегар, ундан жавоб талаб қиларди. Аммо мол дўхтирининг килприги қилт этмас, гўё унда инсоний илиқликнинг ўзи йўқдек, дадамнинг саволларига ҳам совуққина қилиб жавоб қайтарарди: – Э, домла, қўйинг энди. Ана сигирни фойдасига сотибсиз. Ўзи бир қари мол бўлса, ундан кейин олиб кетганимизда ҳам оёғида зўрга турганди. Аслида аввал ҳам йиқилиб қоладиган касали бўлган. Буни билиб туриб индамагансиз.

Бу сўзлардан кейин дадамнинг баттар ғазаби кўзиди, аммо бундайин пасткаш билан тортишиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. – Оғайни, – деди ўзини босиб олиб. – Мен номард эмасман, худодан кўрқаман. Сигирим соппа-соғ эди, сиз уни ҳовлидан тик оёғида етаклаб олиб чиқдингиз.

– Нима, сиз энди мени ёлгончига чиқариб, пулимни қайтаришдан бош тортмоқчимисиз, – дея асабий дагдага қила бошлади мол дўхтири. – Ҳе, сиз кўрққан ўша худодан биз ҳам кўрқамиз. Айтялман-ку! молингиз ўзи касалманд эди деб. Ишонмасангиз, болаларимни ўртага қўйиб қасам ичаман.

Дадамни бирдан ваҳима босди, кўрққандан ранглари бўзарди.

– Йўқ, йўқ керак эмас, мен пулингизни қайтараман. Майли, бўлар иш бўлди, аммо, оғайни ўртага болаларни қўшманг.

Бу сўзларни эшитгач, мол дўхтирининг овози анча юмшади. Газетага ўроғлик пулни кўнжигача тикиб, хайрлашаркан, дадамнинг елкасига уриб: – Лекин домла, сиз барибир менга ишонмаяпсиз-да. Агар алдаётган бўлсам, касри болаларимга урсин! – деди. Дадам унинг ортидан надомат билан бош чайқаб қолди.


Биз ўйлагандики, ҳаммаси шунинг билан интиҳо топади, энди у билан ҳеч қачон учрашмаймиш, бу воқеалар ҳам бир кун келиб хотирамиздан ўчиб кетади. Бироқ...

Назаримда ҳаммаси жуда тез содир бўлди. У кетди, тўй бўлди ва орадан икки-уч кун ўтиб-ўтмай кимдир дадамга шум хабар олиб келди. “Домла, сигирингизни сотиб олмоқчи бўлган мол дўхтирининг ёшгина ўғли ўз жонига қасд қилибди. Айтишларича, ўзини осиб ўлдирганимиш...” Ҳаммамиз қайғуга ботдик. Дадам эса худди яшин урган одамдек тек қотиб қолди. Фақат тили биргина сўзни такрорларди: “Мен унга айтган эдим-а, болаларни аралаштирма, деб. Айтган эдим-а, бу яхшиликка олиб бормади, деб”.

Шундан бери ёлгон сўзнинг юки қанчалар оғир бўлиши, ҳар бир гапни авайлаб, минг бир андиша ва эҳтиёткорлик билан айтиш лозимлиги, айниқса, ёмон сўзларни гапиршдан тийилиш кераклиги шууримда маҳкам муҳрланиб қолган.

Ирода ОРИПОВА,  
Бухоро вилояти.

# BIR YOQDA ONAM KO'NGLI, BIR YOQDA BOLAM...



**Р**афиқам билан олти йилга яқин севишиб юриб, сўнгра турмуш курдик. Тўйга ҳар иккимизнинг ҳам ота-онамиз қарши чиқиди. Биз сўзимизда туриб олгач, ниҳоят, тўй бўлди.

Тез орада ўғлимиз туғилди. Онам ҳатто уни қўлига ҳам олмади. Чунки бизнинг қилмишимиздан ҳамон хафа эдилар. Онам акам қолиб мени алоҳида уй қилиб чиқиб кетишимни талаб қилганларида бундан қувондик ҳам. Ширингина ўғилчамиз ҳам она-бола, қайнона-келин ўртасидаги риштани боғлай олмади.

Алоҳида бўлиб яшай бошлаганимизга ярим йил тўлганида, нимадир сабаб билан онамнинг ҳузурига бориб, улар билан тортишиб қолдим. Онам мендан қаттиқ ранжиди. Мен ҳам қайтиб бу уйга қадам босмаслигимни айтиб, эшикни қаттиқ ёпдим...

Кунлар ўтаверди. Онамни соғинардим. Болалигим кечган ҳовлига боргим келарди. Соғинч юрагимни ўртаганида, бунга сабабчи бўлган ўғлим кўзимга ёмон кўришиб кетарди. Чунки ўша кунни ҳам онам билан у тўғрисида тортишиб қолгандик. Онам уни никоҳсиз туғилган бола деб билар, менинг эътирозларимни хотинимни бесабр, анди-

шасиз, ҳаёсизликда айблаб, енгарди.

Болам ёшига тўлиб, улғая бошлагани сайин унда бош мия хасталиги борлиги аён бўла бошлади. У ўйнаб туриб ҳам бирдан ҳушини йўқотарди. Узига келгач ҳам, кунлаб мустақил ҳаракат қилолмасди. Кичкиналигида унга раҳмим келарди. Лекин 6-7 ёшга тўлганида, унинг ҳаракатларидан гашим кела бошлади. Шундай бола туққани учун хотинимдан аламимни олардим. Уни дўппослаганимда, жанжал кўтарганимда, ўғлим кўзларини катта-катта очиб, кўрқув билан бизга қараб турарди. Бу эса унинг дардини зўрайтирарди.

Ўғлимни кўрсатмаган шифокор қолмади ҳисоб. Бола шифо топавермагач, бир кунги жанжалдан кейин мен уйдан кетдим. Онамнинг ёнига бориб, улардан кечирим сўрадим. Улар билан бирга яшай бошладим. Хотиним ва касал боламни унутишга ҳаракат қилдим. Дилбар ишхонамга, уйга келиб, зор-зор йиғлади.

— Ўғлингиз сизни жудаям соғинган, бир марта кўргани боринг. Атиги бир марта! У кун сайин сўниб боряпти, —

дерди оёқларимга йиқилиб.

— Менинг раҳимни келтиришга уринма. Йўқол, сениям, болангизнинг кўришни истамайман! — тепиб юборардим хотинимни.

— Қанақа бағритош одамсиз? Бир кунни армон қиласиз ҳали!

— Бор-бор, кет. Ҳозир ўзингга ёмон бўлади...

Бир кун хотинимнинг болани пойтахтда даволатиш учун олиб кетганини эшитдим.

Улар икки ойга яқин касалхонада ётган бўлсаларда, бирон марта кўришга бормадим. Чунки онам мени бошқа қизга уйлантириш тарафдудиди эдилар. Кўзим шунчалар кўр эканки, дардманд болам тушларимга кириб чиқса-да, юрагим эримабди.

Уларнинг касалхонадан уйга келганларини эшитиб, уйда қолиб кийимларимни олиш баҳонасида қўп-қуруқ қўл билан бордим. Эшикдан киришим билан ўғлим келиб, бўйнимга осилди. У билан хушламайгина гаплашдим.

Дилбар тушлик тайёрлаётган экан.

— Кўрқманг, сизни олиб қолмайман. Мен билан эмас, ўғлингиз билан охириги марта бирга овқатланинг, — деб дастурхонга таклиф қилди.

Ўғлим бироз мустақил ҳаракатга ўрганган эди. Онаси овқат ичкисиз бўлса, ўзим ичаман деб туриб олди. Энди билсам, у ўзини тузалган қилиб кўрсатмоқчи бўлиб, мени уйда қолишимга умид боғлаган экан.

Ўғлим астойдил уринса-да, қошиқдаги овқат ҳар томонга сочилиб кетарди. Қўлларидаги титроқ йўқолмаган эди.

— Қошиқни тўғри ушла, меров! — бақириб юбордим унга. Ўғлимнинг мунчоқдек кўзларига дарров ёш келди.

— Қиз болага ўхшаб йиғлама! Ҳозир бир уриб!.. — унга муштимни дўлайтирдим. Ўғлим пусиб, стол тагига кириб кетай деди. У баттар қалтирай бошлади.

— Бу нима қилганингиз? Ахир бола бечора сизни қачондан бери қутади. Шу ишингиз инсофданми? — қақшади аёлим болани бағрига босиб.

— Ҳе, кутмай ўлсин...

— «Ўл» деманг! Мен ўлишни хоҳламайман! Мен ўлмайман, ўлмайман... — ўғлим титроқ қўллари билан юзларини артганча, менга бақирди. Овозини кўтаргани учун унинг юзига тарсаки тортиб юбордим ва уйдан чиқиб кетдим...

Орадан бир ярим ой ўтди. Бир кунни акам:

— Боланг оғирлашиб қолибди. Қайнотангизга олиб келишибди, балки бориб кўрарсан, — деди.

— Ҳеч нима бўлмайди, бу хотинимнинг хийласи. Бормайман, боргим келмаяпти, — дедим.

Эртаси кунни азонда уйимизга Дилбарнинг укаси келди.

— Почча, ўғлингизни бериб қўйдик... Жаноза пешинда... — деди...

Шундагина юрагим бир қалқиб тушди. Дунёга келиб меҳр кўрмай кетган норасидамга шу дамдагина ачиндим. Аммо энди кеч эди...

Барибир турмушимиз бўлмади. Икки йилдан кейин Дилбар бошқа одамга турмушга чиқди, мен ҳам уйландим. Аммо фарзандли бўлмаяман. Бу балки дардманд боламни меҳримга зор қилганим учун жазодир?

Йигитнинг ҳикоясини **ШАҲЛО** оққа кўчирди.

## TOSHKENT SHAHRIDA 2020 YIL YANVAR-IYUN OYLARI UCHUN SANOAT MAHSULOTLARI ISHLAB CHIQARISH SOHASINING ASOSIY KO'RSATKICHLARI

Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йилнинг январь-июнь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган sanoat корхоналари томонидан 29521,8 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан sanoat ишлаб чиқариш индекси 98,8 фоизни ташкил этди.

Жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омилли

бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) sanoati sanoat ишлаб чиқариш индекси 102,0 фоиз, тоғ-кон ва очик конларни ишлаш sanoati 95,0 фоизни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 164,0 фоизни ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш 88,0 фоизни ташкил қилди.

Технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган sanoat таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 1157,6 млрд. сўмни (ишлаб чиқарадиган sanoat таркибидаги улуши 5,6 фоизни ташкил этди), ўрта-юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 4655,6 млрд. сўмни (ишлаб чиқарадиган sanoat тарки-

бидаги улуши 22,4 фоизни), ўрта қуйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 6128,6 млрд. сўмни (ишлаб чиқарадиган sanoat таркибидаги улуши 29,5 фоизни), қуйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 8841,0 сўмни (ишлаб чиқарадиган sanoat таркибидаги улуши 42,5 фоизни) ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 10840,6 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100,6 фоизни ташкил этди. Шундан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 4114,6 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,7 фоизни, ноозик овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6108,8 млрд. сўмни, ўтган йилнинг

мос даврига нисбатан 97,7 фоизни, ароқ ва шароб маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 617,1 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 97,8 фоизни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида sanoat ишлаб чиқаришда йирик корхоналар томонидан 18069,9 млрд. сўмлик, кичик бизнес субъектлари томонидан 11452,0 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида sanoat ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 2020 йилнинг январь-июнь ойларида — 38,8 фоизни ташкил этган.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Аxbopот хизмати.

Мархумнинг йигирмаси ўтса ҳам Савринисо юмшамади. Сўзида қатъий туриб олди:

– Кўзимга кўринмасин ўша пиёниста. Одамларнинг гапи билан ишим йўқ. «Қариганда эридан ажраларканми» дейишса ҳам майли. Кўрарга кўзим йўқ бу қотил эрни!

Ўғли, қизи, ҳатто кудалари ўртага тушдилар – бўлмади. Бояқиш Хусан ака эса йигирма кундан бери қўшничида ётиб туради.

– Қуда, менинг дардим сизниқидан минг чандон ортиқ ҳозир, – Кумри оғир истиҳола билан гап бошлади. – Ёлғиз қизим эди. Еру кўкка ишонмай катта қилдим. Пешонамда бор экан. Илтимос, бизни деб оилангиз бузилмасин. Шундоқ ҳам гуноҳга қолиб ўтирибмиз. Қайси қайнота ўз келинига ёмонлик раво кўради дейсиз. Майли, Худога солдим. Қолаверса, эрингиз шусиз ҳам адоий тамом бўлди.

– Кумрихон, ёниб кетаялман, ёниб! Худонинг зорини қилдим-а у нокасага. Чиллалик келин, нима қиласиз узоқ йўлга чиқариб, дедим. Сизнинг фарзандингиз бўлса ҳам қаттиқ меҳр қўяндим. Онажон деб атрофимда гириттон эди-я. Ахир қандай чидайман энди?!

– Савринисо, бундай савдо фақат бизнинг бошимизда эмас. Кеча эрим гап топиб келди. Найман қишлоққа тушган бир ҳафталик келинчак ҳам отасиникидан қайтаётиб аварияга дуч келди. Машинадаги ўн бир кишидан фақат шу келинчак ҳалок бўлган. Чиллага риюя қилмаётганларни Яратганининг ўзи жазолапти шекилли...

– Айланай кудажон, ичимни ёввойи ит тириаяпти. Гуноҳларим бағримни емираяпти. Бояқишнинг руҳи барибир тинч кўймайди.

– Кўйинг, бунча куйманг. Ахир сизда нима гуноҳ? Аллоҳнинг иродаси бу.


– Худо бандасига ёмонлик раво кўрмайди, кудажон. Ўтган йили қўшнимиз келин қилди. Бир ой ўтмай куёв уни битириш кечасига олиб борибди. Келинлик эсдан чиқиб, ароқ ичган. Боласи майиб туғилди. Энди бутун оила ўт азобиди қийналади. Шу гапни эримга айтдим. Чиллалик келинни кўчага чиқариш хосиятсиз бўлади, дедим. Номард кўнмади-я... Она бўлиб қандай чидайман ахир?! Ўғлимнинг кўзига қандай қарайман?!

– Кўйинг, бунча куйманг. Ахир сизда нима гуноҳ? Аллоҳнинг иродаси бу.

– Худо бандасига ёмонлик раво кўрмайди, кудажон. Ўтган йили қўшнимиз келин қилди. Бир ой ўтмай куёв уни битириш кечасига олиб борибди. Келинлик эсдан чиқиб, ароқ ичган. Боласи майиб туғилди. Энди бутун оила ўт азобиди қийналади. Шу гапни эримга айтдим. Чиллалик келинни кўчага чиқариш хосиятсиз бўлади, дедим. Номард кўнмади-я... Она бўлиб қандай чидайман ахир?! Ўғлимнинг кўзига қандай қарайман?!

# Chilla

Hikoya



“  
Ширин хаёл билан бўлиб, машина чироғи ёруғидан йўлни кесиб ўтган тулкини кўрмади. Хаёли шу қадар чувалашиб кетдики, бир маҳал қараса, онаси оппоқ либосда, сочлари тўзиган ҳолда ҳовли томондан югуриб келаяпти. Бир қўлида чимилдиқнинг парчаси. Узоқдан қўлларини силтаб, алланималар дейди. Лекин Алишер эшитмайди. Шу пайт онаси бечора қоқилиб йиқилди, ерга юз тубан тушди. Алишер бақриб юборди: – Онажон!

Юз эллик километр йўл Хусан акани чарчатди. Қайтишда рулни ўғлига берди. Чарчоғим чиқармикан, деб йўлдаги ошхонадан озроқ ароқ ичиб олди.

... Илонсой тепасидан ўтувчи йўлни кўпчилик хавфли жой деб аташади. Ҳайдовчилар ҳар замонда бу ерда қон чиқариб туришади. Айтишларича, бу йўл ҳаром нарса – мастлик ва пала-партишликни ҳазм қилмас экан. Ҳатто айримлар шу ерга келганда баъзан овоз чиқариб, баъзан эса ичида калима қайтариб қўйшади.

Хусан ака бу гал бундай қила олмади. Негаки, ароқ ва чарчоқ таъсирида пинакка кетган эди. Келин ҳам орқа ўриндиқда бемалол ухла келаяпти. Бояқиш Илонсойдан охири марта ўтаётганлигини қаердан ҳам билсин.

... Алишер ярим тунда қоронгулик

ва сукунат ичида рулни бошқариб келарди. Радио мурватини бураса, «Чўли ироқ» янграпти. Ёқимли мусика янги куёвнинг вужудига ҳузур бағишлади. Ишқий хаёллар осмонига ўрлаб кетганини сезмай ҳам қолди. Ширин хаёл билан бўлиб, машина чироғи ёруғидан йўлни кесиб ўтган тулкини кўрмади. Хаёли шу қадар чувалашиб кетдики, бир маҳал қараса, онаси оппоқ либосда, сочлари тўзиган ҳолда ҳовли томондан югуриб келаяпти. Бир қўлида чимилдиқнинг парчаси. Узоқдан қўлларини силтаб, алланималар дейди. Лекин Алишер эшитмайди. Шу пайт онаси бечора қоқилиб йиқилди, ерга юз тубан тушди. Алишер бақриб юборди:

– Онажон!  
... У аслида танасидаги оғриқдан додлаганди. Бир онлик “тақир-тукур” овозидан ўзига келди. Машина йўлдан чиқиб кетиб, Илонсойга ағанаб тушганди.

Қараса, отаси ёнбошлаб қолган машинадан чиқолмай овора.

– Нима қил қўйдинг, болам?!

Ота-бола бир амаллаб орқа эшикни очишди ва Хусанияни чиқариб олишди. У зўрга нафас олаяпти. Юзига сув урди. Текшириб кўришди: хайрият қон чиқмаган.

Уларнинг бахтига йўлдан машина ўтиб қолди. Келинни тўғри шифохонага олиб келишди. Доктор текшириб кўргач, юз-қўллари шилинган ота-болага тўғрисиини айтди:

– Кечирасизлар, сақлаб қололмадик. Нохос силкинишдан орқа миядан келувчи томир узилиб кетган. Бандачилик...

Алишер ўкириб юборди:

– Хусния! Ташлаб кетма мени! Сенсиз қандай яшайман? Қандай кўтараман бу гуноҳни?!

Ота эса чўккалаб, бошини чангаллади:

– Эй Худо! Нима ёмонлик қилган эдим сенга?

... Савринисо бари бир гапидан қайтмади. Фақат... бир йилча ўтгач хаёли қоқадиган бўб қолди. Хусан ака эса айримларнинг айтишига қараганда Самарқандда ўғли Алишер билан ижарада яшаб, идорада қоровуллик қилаётган экан.

Фармон ТОШЕВ.

## DUNYO ADABIYOTIDAGI ENG QISQAHIKROYALAR

Барнаби Конрадеш

### ШИФОХОНАДА

Аёл машинани елдай учириб борарди. Ё Худойим, ишқилиб, вақтида етиб бора олса, бас!

Реанимация хонасидан чиққан шифокорнинг юз ифодасидан у ҳаммасини тушунди. Хўнграб юборди.

– У хушига келмадимми?

– Аллертон хоним, – оҳиста гап бошлади доктор, – сиз ўзингизни бахтиёр деб билмоғингиз керак. Эрингизнинг охири сўзлари “Мен сени севаман, Мэри!” деган хитоб бўлди...

Аёл ялт этиб, докторнинг юзига қаради ва шарт ортига бурилди.

– Миннатдорман, – совуққина жавоб қилди у. Унинг исми Жудит эди...  
Ден Эндрюс

### БЕЧОРА

Ёвузликнинг қиёфаси бўлмади, дейишади. Чиндан, унинг юзидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди. Гуё у сезмаётгандай, ахир, бунақа оғриққа чидаб бўлармиди? Наҳотки, у кўзларимдаги даҳшатни кўрмаяпти? Юзимдаги кўркүв ва ваҳимани-чи? Йўқ, у жуда-жуда хотиржам, айтиш мумкинки, ўзининг ярамас вазифасини маҳорат билан адо этди. Ниҳоят, охирида меҳрибонларча менга тайинлади: “Марҳамат қилиб, оғзингизни чайиб ташланг!”

Никол Веддл

### УЧРАШУВГА ТАКЛИФ

Телефон жиринглади.  
– Алло, – пичирлаб жавоб берди у.

– Виктория, бу мен. Кел, бугун ярим тунда бандароҳ ёнида учрашамиз!

– Яхши, азизим!

– Илтимос, шампан виноси ола келишни ҳам унутма! – деди йигит.

– Хўп, унутмайман, азизим! Сени жуда кўргим келаяпти...

– Тезроқ бўл, мен кутишни ёқтирмайман! – деди йигит ва гўшакни қўйди.

Аёл тин олди, кейин жилмайди:

– Жуда қизиқ, ким бўлди бу?

Брайан Ньюэлл

### ИБЛИС НИМА

### ИСТАЙДИ?

Икки бола даҳшатли шарпаннинг аста-секинлик билан узоқлашиб кетаётганини кузатиб туришарди. Унинг кўзларидаги афсун таъсирида ҳали-ҳамон бошлари қараёт эди.

– Менга қара, у сендан нима сўради?  
– Қалбимни. Сендан-чи?

– Автомат-телефон учун майда чақа.

Зудлик билан кўнгирақ қилиши керак экан...

– Юр, бориб, овқатланамиз!

– Майлию, лекин энди бир чақа ҳам пулим қолмади-да!

– Қўявер, менда улар энди жуда кўп...

Рус тилидан Хуришида АБДУЛЛАЕВА таржимаси.

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШНЕВ

### МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.  
Амир Темуру кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 736. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1455. Ваҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширишда – 15:00

Навбатчи:  
Мусаҳҳих:  
Саҳифаловчи:

Б. Исмоилов  
С. Сайдалимов  
А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 5